

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

44-сон
(1116)
2023 йил
ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

442. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида қонунийликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланганлиги муносабати билан «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 30 октябрдаги ЎРҚ–873-сон Қонуни
443. «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 31 октябрдаги ЎРҚ–874-сон Қонуни
444. «Туркий инвестиция жамғармасини таъсис этиш тўғрисидаги Битимни (Анқара, 2023 йил 16 март) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 1 ноябрдаги ЎРҚ–875-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

445. «Аҳолига пенсия тайинлаш бўйича кўрсатиладиган давлат хизматлари сифатини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 октябрдаги ПҚ–353-сон қарори
446. «Футбол-таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳамда халқаро стандартларга мос келадиган футбол инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 3 ноябрдаги ПҚ–355-сон қарори
447. «Каратэ (WKF) спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 3 ноябрдаги ПҚ–356-сон қарори

Бешинчи бўлим

448. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2023-yil 28 oktabrdagi 15-mh-son «O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining intellektual mulk sohasidagi rasmiy nashrlari to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida»gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 30-oktabr ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3468*)
449. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 30 октябрдаги 16-мх-сон «Давлат бошқаруви тизими такомиллаштирилиши муносабати билан айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3469*)
450. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2023-yil 30-oktabrdagi 17-mh-son «Normativ-huquqiy hujjatlar va ular loyihalarida korrupsiyani keltirib chiqaruvchi omillarni aniqlash uslubiyatini tasdiqlash haqida»gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 31-oktabr ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3470*)
451. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 30 октябрдаги 18-мх-сон «Давлат бошқаруви тизими такомиллаштирилиши муносабати билан айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3471*)
452. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 6 октябрдаги 75/2023-сон «Шахсларни ишсиз деб эътироф этиш ва уларга ишсизлик нафақасини тайинлаш бўйича электрон давлат хизматини кўрсатиш тўғрисидаги регламентни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги*

томонидан 2023 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3472)

453. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 25 октябрдаги 36/7-сон «Банк ҳисобварақларини очиш, юритиш ва ёпиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3420-1)*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**

442 Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида қонунийликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланганлиги муносабати билан «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил
4 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 30 сентябрда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимиз хавфсизлигини ва халқимиз осойишталигини таъминлаш, замонавий қуролланган ва қудратли армияни шакллантириш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимининг ҳарбий хизматчилари ва ходимларини қўллаб-қувватлаш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга ҳарбий соҳадаги давлат дастурларининг амалга оширилишини ўз вақтида ва самарали ташкил этиш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимидаги коррупциявий хавф-хатарларнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолларининг барвақт олдини олиш, шунингдек ушбу соҳадаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижро этилиши устидан назоратни янада кучайтириш талаб этилмоқда.

Мазкур Қонун билан «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида Ўзбекистон Республикаси қонунларига сўзсиз риоя этилиши устидан ҳарбий прокуратура органларининг назорати кучайтирилишини, шунингдек ҳарбий прокуратура органларига ходимларни ҳарбий хизматга қабул қилиш ва ундан бўшатиш тартиби ҳамда уларга ҳарбий унвонлар бериш тартиби белгиланишини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш бўйича ҳарбий прокуратура органларининг чинакам мустақил фаолияти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратади, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан, шу жумладан бюджет маблағларини ва давлат мулкани талон-то-

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 31 октябрда эълон қилинган.

рож қилиш ҳолларининг олдини олиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Прокуратура тўғрисида**»ги 746–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; 2008 йил, № 9, 487-модда, № 12, 636-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 4, 218-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 5, 267-модда, № 11, 791-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда; 2022 йил, № 5, 466-модда; 2023 йил, № 4, 265-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **11-модданинг матни** «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **13-модда иккинчи қисмининг олтинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«прокуратура органлари ходимларига даражали унвонлар (ҳарбий унвонлар) беради ва олий даражали унвонлар (ҳарбий унвонлар) бериш тўғрисидаги тақдимнома билан Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат этади»;

3) **15-модданинг:**

учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси прокурори тегишинча туманлар, шаҳарлар прокуратураларининг ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади, қонунларга, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқларига асосан ва уларни ижро этиш мақсадида ўзига бўйсунувчи ходимлар учун мажбурий бўлган буйруқлар, кўрсатмалар, фармойишлар чиқаради»;

олтинчи қисмидаги «прокурорнинг ички хавфсизликни таъминлаш бўйича ёрдамчиси, катта прокурор-криминалист» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **16-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратураларига ва Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратурасига тегишли прокурорлар бошчилик қилади. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасига лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари бўлган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори бошчилик қилади. Мазкур прокурорлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунди ва унинг олдида ҳисобдордир.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурори Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари тегишинча туманлар, шаҳарлар прокуратураларининг ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади, қонунларга, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқларига асосан ва уларни ижро этиш мақсадида ўзига бўйсунувчи ходимлар учун мажбурий бўлган буйруқлар, кўрсатмалар, фармойишлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурорининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорларининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланадиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари бўлади.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратураларида ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда бошқармалар ҳамда бўлимлар ташкил этилади.

Бошқармалар ва бўлимларнинг бошлиқлари, прокурорларнинг катта ёрдамчилари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади.

Бошқармалар ва бўлимлар бошлиқларининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилиги билан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурорининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорларининг ёрдамчилари, бошқармалар ва бўлимларнинг катта прокурорлари ҳамда прокурорлари, алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчилар ва алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар, катта терговчилар ҳамда терговчилар тегишинча Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади»;

5) 17-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Туманлар, шаҳарлар прокурорларининг ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда тегишинча Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари томонидан лавозимга тайинланадиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган ўринбосарлари бўлиши мумкин.

Туманлар, шаҳарлар прокурорларининг ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг катта ёрдамчилари, ёрдамчилари, прокуратура катта терговчилари ва терговчилари, иш ўрганувчилари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади»;

6) **43-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари, шунингдек туманлар, шаҳарлар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимига йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган шахслар тайинланади»;

7) **45-модда биринчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурорининг, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, шунингдек вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорларининг, туманлар, шаҳарлар прокурорларининг ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларнинг фаолияти тегишли юқори турувчи прокурорлар томонидан уларнинг ваколатлари муддати ичида камида икки марта комплекс ўрганиб чиқилади»;

8) **48-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Прокуратура органлари ва муассасаларида хизматни ўташ, прокуратура органлари ва муассасаларининг ходимларига даражали унвонлар ва ҳарбий унвонлар бериш ҳамда улардан маҳрум этиш, уларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш тартиби ушбу Қонунда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомда, шунингдек бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланади»;

9) **54-модданинг матнидаги** «марказлаштирилган тартибда» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 30 октябрь,
ЎРҚ–873-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

443 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил
5 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 30 сентябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185,

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 1 ноябрда эълон қилинган.

187, 188-моддалар, № 4, 265-модда, № 5, 319-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **125¹-модданинг:**

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«125¹-модда. Никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчиликни ёки никоҳ тузиш тартибини бузиш»;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Никоҳи қонунда белгиланган тартибда қайд этилмаган шахслар ўрта-сида, шу жумладан никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш беш бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади»;

2) **156-модда:**

биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб, аҳоли гуруҳларига нисбатан адоват, мурасасизлик ёки нифоқ келтириб чиқариш мақсадида миллий шаън-шараф ва кадр-қимматни камситишга, диний эътиқодига ёки дахрийлигига қараб, фуқароларнинг ҳис-туйғуларини ҳақоратлашга қаратилган қасддан қилинган ҳаракатлар, шунингдек миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб, фуқароларнинг устунлигини ёки нуқсонли эканлигини тарғиб қилиш, худди шунингдек миллий, ирқий, этник мансублигига ёки динга муносабатига қараб, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклаш ёхуд уларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш, —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда,

№ 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 47³-модданинг:

номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«47³-модда. Никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчиликни ёки никоҳ тузиш тартибини бузиш»;

учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Никоҳи қонунда белгиланган тартибда қайд этилмаган шахслар ўрта-сида, шу жумладан никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) қуйидаги мазмундаги **47⁸-модда** билан тўлдирилсин:

«47⁸-модда. Икки ёки ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшашни тарғиб қилиш

Икки ёки ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшашни тарғиб қилиш, ушбу мазмундаги қарашларни, ғояларни ёки чақириқларни тарқатиш, шунингдек бундай хатти-ҳаракатларни рағбатлантириш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

3) **184¹-модда** чиқариб ташлансин;

4) қуйидаги мазмундаги **184⁴-модда** билан тўлдирилсин:

«184⁴-модда. Жамоат жойларида шахсини идентификация қилиш имконини бермайдиган кўринишда бўлиш

Жамоат жойларида шахсини идентификация қилиш имконини бермайдиган даражада юзини тўсган ҳолда бўлиш, бундан тиббий кўрсатмага асосан ёки йўл-транспорт ҳаракатида хавфсизликни таъминлаш учун кийиладиган махсус бош кийимда ёхуд меҳнат ва хизмат фаолияти билан боғлиқ ҳолларда юзини тўсган ҳолда бўлиш ёки спорт ва маданий тадбирларни ўтказиш вақтида ушбу тадбирлар иштирокчиларининг юзини тўсган ҳолда бўлиши, шунингдек қонунчиликда тўғридан-тўғри рухсат этилган бошқа ҳолатларда юзини тўсган ҳолда бўлиш мустасно, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

5) қуйидаги мазмундаги **189²-модда** билан тўлдирилсин:

«189²-модда. Жинс бўйича камситишни тарғиб қилиш

Жинс бўйича камситишни тарғиб қилиш, шу жумладан хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилигини очикдан-очик инкор этиш, ушбу мазмундаги қарашларни, ғояларни ёки чақириқларни тарқатиш, худди шунингдек бундай хатти-ҳаракатларни омма олдида оқлаш ва (ёки) рағбатлантириш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

6) **240-модда биринчи қисмининг диспозицияси** «ташқил этиш ва ўтказиш» деган сўзлардан кейин «худди шунингдек диний ташкилотнинг ўз уставида назарда тутилмаган бошқа фаолият тури билан шуғулланиши ёки тадбир ўтказиши» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) **245-модданинг биринчи қисми:**

«47⁷» рақамидан кейин «47⁸» рақами билан тўлдирилсин;

«184¹, 184², 184³» рақамлари «184², 184³, 184⁴» рақамлари билан алмаштирилсин;

«189¹» рақамидан кейин «189²» рақами билан тўлдирилсин;

8) **287-модда биринчи қисмининг 1-бандидаги** «184¹, 184², 184³» рақамлари «184², 184³, 184⁴» рақамлари билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган
ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қили-
шларини таъминласин;
ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти
ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга
киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 31 октябрь,
ЎРҚ–874-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

444 Туркий инвестиция жамғармасини таъсис этиш тўғрисидаги Битимни (Анқара, 2023 йил 16 март) ратификация қилиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 10 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 28 октябрда маъқулланган

1-модда. Туркий инвестиция жамғармасини таъсис этиш тўғрисидаги Битим (Анқара, 2023 йил 16 март) ратификация қилинсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари Ўзбекистон Республикасининг Туркий инвестиция жамғармасидаги улушини Туркий инвестиция жамғармасини таъсис этиш тўғрисидаги Битимда (Анқара, 2023 йил 16 март) назарда тутилган муддатларда шакллантириш, шу жумладан унинг бошланғич капиталидаги 2 000 та акцияга обуна бўлиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш манбаи эканлиги белгилансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Туркий инвестиция жамғармасини таъсис этиш тўғрисидаги Битимнинг (Анқара, 2023 йил 16 март) бажарилиши учун масъул бўлган ваколатли орган этиб белгилансин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тегишли маблағларни ўтказиш бўйича буюртманомалар тақдим этиб борсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Туркий инвестиция жамғармасини таъсис этиш тўғрисидаги Битим (Анқара, 2023 йил 16 март) бўйича депозитарий функциясини бажариши белгилансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 1 ноябрь,
ЎРҚ–875-сон

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 2 ноябрда эълон қилинган.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

445 Аҳолига пенсия тайинлаш бўйича кўрсатиладиган давлат хизматлари сифатини янада оширишга қаратилган қў- шимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Мамлакатда кекса, боқувчисини йўқотган ва меҳнатга лаёқатсиз аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш тизими босқичма-босқич ислоҳ қилиниб, фуқароларга пенсияларни тайинлаш юзасидан кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини янада яхшилаш ҳамда ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, фуқароларга тўланадиган тўрт турдаги ижтимоий тўловларни уларнинг мурожаатсиз проактив шаклда, икки турдаги ижтимоий тўловларни композит шаклда ҳамда яна тўрт турдаги ижтимоий тўловларни қўшимча ҳужжатлар талаб этмаган ҳолда, биргина паспорт асосида тайинлаш амалиёти жорий этилди.

Аҳолига пенсия тайинлаш тизимига замонавий ахборот технологияларини фаол татбиқ этган ҳолда давлат томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш мақсадида:

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Рақамли технологиялар вазирлигининг фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш амалиётида қуйидаги тартибларни жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

а) 2024 йил 1 январдан бошлаб:

фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш учун амалдаги тартибга қўшимча равишда уларнинг хоҳишига кўра Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ҳам мурожаат қилиш ҳуқуқи берилади;

фуқароларга давлат пенсиялари тайинланганидан сўнг уларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларини Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки АТ «Халқ банки»нинг мобиль иловаси орқали олиш имконияти яратилади.

Бунда, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг (кейинги ўринларда — Пенсия жамғармаси) туман (шаҳар) бўлимлари томонидан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларни олиш ҳуқуқини берувчи сертификат бериш тартиби бекор қилинади;

б) 2025 йил 1 мартдан бошлаб фуқароларга ёшга доир пенсияларни

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 1 ноябрда эълон қилинган.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасида белгиланган ёшга тўлиши муносабати билан алоҳида мурожаат талаб этмаган ҳолда проактив шаклда тайинлаш тартиби жорий этилади.

Бунда, ёшга доир пенсиялар Пенсия жамғармасининг ахборот тизими орқали тегишли вазирлик ва идоралараро ахборот алмашинуви асосида олинадиган фуқаронинг иш стажи, иш ҳақи ҳамда бошқа маълумотларига асосан давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартиб ва меъёрларга мувофиқ ҳисобланади ва тайинланади.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, фуқароларга пенсия ёшига етиб меҳнат фаолиятини давом эттирган ҳолда кейинчалик ёшга доир пенсияга чиқиш истагини билдирганида проактив шаклда тайинланган пенсияни рад қилиш ҳуқуқи бериллади.

Белгилансинки, ёшга доир пенсия фуқаронинг кейинчалик қилган мурожаатига асосан давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган муддатларга мувофиқ қайтадан ҳисобланади ва тайинланади.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов) 2025 йил 1 мартга қадар:

Электрон технологияларини ривожлантириш маркази (О. Ходжакбаров) билан биргаликда Пенсия жамғармасининг ахборот тизими орқали фуқароларга пенсия тайинланиши ёки пенсия миқдорига таъсир қилувчи қўшимча ҳужжатларни тақдим этиш юзасидан фуқаронинг мобиль алоқа воситасига СМС-хабар юбориш тартиби жорий этилишини;

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган ёшга доир пенсия олиш ёшига тўлиши муносабати билан пенсияни уларнинг алоҳида мурожаатсиз проактив шаклда тайинлаш тизимини жорий этишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасининг Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

4. Қуйидагилар:

Фуқароларга ёшга доир пенсияларни проактив шаклда тайинлаш схемаси 1-иловага* мувофиқ;

Фуқароларга ёшга доир пенсияларни проактив шаклда тайинлаш тартибини амалиётга жорий этиш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 3-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу қарорнинг мақсади ва вазифалари, шу жумладан давлат пенсияларини тайинлаш ҳамда давлат хизматларини кўрсатишда яратилган қулайликлар тўғрисида видеороликлар ва

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ижтимоий рекламалар ишлаб чиққан ҳолда, уларнинг оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида кенг ёритилишини таъминласин.

7. Ушбу қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Д.А. Кучкаров, адлия вазири А.Д. Ташкулов ва рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов белгилансин.

Қарорнинг ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 31 октябрь,
ПҚ–353-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**446 Футбол-таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш
ҳамда халқаро стандартларга мос келадиган футбол ин-
фратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда профессионал футболчиларни шакллантириш тизими-ни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, бунинг учун футбол-таълим муассасалари сонини кўпайтириш, халқаро стандартларга мос келадиган футбол инфратузилмасини янада ривожлантириш, футбол ривожланган давлатлар билан рақобат қила оладиган тренер, ҳакам ва бошқа мутахассисларни тайёрлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 апрелдаги «Оммавий ва профессионал футболни ҳар томонлама ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–115-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Аргентина, Венгрия, Марокаш ва Франциянинг профессионал футболни ривожлантириш бўйича тажрибаси жойига чиқиб ўрганилганлиги ҳамда мазкур қарорни тайёрлашда уларнинг илғор ва мақбул амалиётидан фойдаланилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон футбол ассоциацияси тизимида:

Миллий футбол маркази;

Футбол бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби негизида Футбол терма жамоалари тайёргарлик маркази;

Спорт тиббиёти ва реабилитация маркази ташкил этилсин.

Футбол бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби балансидаги бино ва иншоотлар тегишли ҳудуди билан бирга Тошкент шаҳри футбол мактаби балансига бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилсин.

3. Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузуридаги Футбол бўйича мутахассисларни тайёрлаш маркази Футбол мутахассисларини тайёрлаш ва илмий-тадқиқот маркази этиб, Республика болалар ва ўсмирлар футбол академияси — Республика футбол академияси этиб қайта номлансин.

Миллий футбол маркази тузилмасига:

Футбол мутахассисларини тайёрлаш ва илмий-тадқиқот маркази;

Футбол терма жамоалари тайёргарлик маркази;

Республика футбол академияси;

Спорт тиббиёти ва реабилитация маркази киритилсин.

4. Қуйидагилар Миллий футбол марказининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

илғор хориж тажрибасини ўзлаштириш ҳамда тажрибали халқаро мутахассисларни жалб қилган ҳолда тренер ва футболчиларни замонавий, инновацион методикалар, илмий-таҳлилий ёндашув асосида тайёрлаш;

барча даражадаги футбол-таълим муассасаларида ягона ёндашув асосида

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 4 ноябрда эълон қилинган.

футболчиларни тайёрлашни ташкил этиш ҳамда уларни илмий ва методик таъминлаш;

футболчиларни тайёрлашнинг барча босқичларини рақамлаштириш орқали шаффоф саралаш (селекция) ишларини ташкил этишда инсон омилини аралашувини кескин қисқартириш;

жойлардаги футбол академиялари ва мактабларидан саралаб олинган энг иқтидорли ва юқори маҳоратга эга футболчиларни — терма жамоаларга номзодларни замонавий футболга мос усул ва фалсафа асосида профессионал тайёрлаш;

футболчиларга замонавий таълим бериш, жумладан чет тили ва Ўзбекистон тарихи фанларини чуқурлаштирилган ҳолда ўргатиш, футбол соҳасига йўналтирилган касбларга ўқитиш тизимини жорий этиш;

футбол бўйича илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, илғор хорижий спорт технологияларини жалб этган ҳолда соҳани ривожлантиришга эришиш;

футболчиларнинг жисмоний ҳолати ва ривожланишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда уларга замонавий тиббий хизмат кўрсатиш, шу жумладан футбол-таълим муассасаларига спорт тиббиёти йўналишида илмий-методик ёрдам кўрсатиш ва футболчиларда ўткир, сурункали касалликларни барвақт аниқлаш ва даволашни ташкил этиш.

5. Футбол терма жамоалари тайёргарлик марказининг асосий фаолияти йўналиши этиб барча ёш тоифалари бўйича терма жамоаларнинг асосий ўқув-машғулот йиғинларини ташкил этиш, халқаро мусобақаларга тайёрлаш ва ушбу мусобақаларда иштирокини таъминлаш ҳисоблансин.

6. Миллий футбол маркази фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари;

фаолият ихтисослиги бўйича хизматларни реализация қилишдан ва Миллий футбол маркази уставидаги вазифаларга мувофиқ бўлган бошқа фаолият турларидан олинган даромадлар;

асосий машғулотлар ўтказилмайдиган вақтда бўш турган мол-мулкни ижарага беришдан тушган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ва бошқа халқаро ташкилотлар грантлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Қуйидагилар:

Миллий футбол марказининг ташкилий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

Миллий футбол маркази фаолиятини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Белгилансинки:

а) Осиё футбол конфедерацияси (AFC) талаблари асосида футбол, фут-

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

зал ва соҳил футболни тренерларига тегишли лицензиялар бериш ягона тизим асосида Футбол мутахассисларини тайёрлаш ва илмий-тадқиқот маркази орқали амалга оширилади;

б) Футбол мутахассисларини тайёрлаш ва илмий-тадқиқот маркази фаолияти билан боғлиқ ишларни жойларда самарали амалга ошириш учун ҳудудий футбол ассоциацияларида уларнинг маблағлари ҳисобидан алоҳида мутахассис лавозими киритилади;

в) 2025 йил 1 январдан бошлаб ҳудудий футбол академиялари, мактаблари ва бошқа давлат футбол-таълим муассасалари тренерларининг Футбол мутахассисларини тайёрлаш ва илмий-тадқиқот марказидан мажбурий равишда тегишли лицензияларни олгандан сўнг фаолият кўрсатиш амалиёти жорий қилинади;

г) Республика футбол академияси:

юрidik шахс мақомига эга бўлган ихтисослаштирилган давлат спорт-таълим муассасаси сифатида барча ёш тоифалари бўйича терма жамоаларга профессионал футболчиларни етказиб бериш бўйича бош футбол-таълим муассасаси ҳисобланади;

ўқувчиларининг умумий контингенти 154 нафарни ташкил этиб, улар 13 — 19 ёш тоифаларидан иборат бўлади;

ўқувчилари «OLYMPIC» ва бошқа профессионал футбол клубларида фаолият олиб боради ҳамда республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда иштирок этиши таъминланади.

Бунда, Республика футбол академиясига ҳудудий футбол академиялари, футбол мактаблари, нодавлат футбол клублари ва бошқа футбол-таълим муассасаларининг иқтидорли ва салоҳиятли ёш футболчилари профессионал ўсишни мониторинг қилишга мўлжалланган электрон дастур (платформа) орқали рейтинг тизими асосида қабул қилинади;

д) ҳудудий футбол академиялари:

юрidik шахс мақомига эга бўлган ихтисослаштирилган давлат спорт-таълим муассасаси ҳисобланади ва уларнинг фаолияти футбол бўйича энг иқтидорли ёшларни аввало футбол мактаблари, нодавлат футбол клублари ва бошқа футбол-таълим муассасаларидан танлаб олиш ҳамда уларни профессионал тайёрлаш орқали Республика футбол академияси ва терма жамоаларга асосий номзодларни етказиб беришга йўналтирилади;

2024/2025 ўқув йилидан бошлаб ўқувчиларининг умумий контингенти 154 нафарни ташкил этиб, улар 12 — 18 ёш тоифаларидан иборат бўлади;

ҳузурида спорт клуби ташкил этилади ҳамда республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда иштирок этиши таъминланади.

9. Белгилаб қўйилсинки, Миллий футбол маркази Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, «Г.Т. Хван» МФЙ ҳудудида барпо этилаётган Футбол терма жамоалари тайёргарлик маркази ва унга туташ ҳудудда ташкил этилади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги (З. Мирзаев) икки ой муддатда:

Футбол терма жамоалари тайёргарлик марказига туташ ҳудуддан қўшимча 9,9 гектар ер майдонини белгиланган тартибда захирага қайтариш;

захирага қайтарилган ер участкасини Ўзбекистон футбол ассоциациясига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиш чораларини кўрсин.

Бунда, ажратиладиган ер майдонида Миллий футбол маркази ва унинг таркибий бўлинмалари учун зарур бино-иншоотлар, футбол майдонлари, футбол зал ва футбол ёпиқ иншоотлари, меҳмонхона, Спорт тиббиёти ва реабилитация маркази, сузиш ҳавзаси, ошхона каби объектлар барпо этилиши назарда тутилсин.

10. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Б. Закиров):

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси билан биргаликда бир ой муддатда илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, юқори малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда, Миллий футбол марказининг индивидуал лойиҳасини ишлаб чиқсин;

Миллий футбол марказининг бино ва иншоотларини барпо этиш учун тажрибали хорижий қурилиш компанияларини белгиланган тартибда жалб қилиш чораларини кўрсин;

мазкур қарор асосида қурилиши ва таъмирланиши кўзда тутилган иншоотлар учун энг мақбул меъморий ва техник ечимлар қўлланилишини, уларни инновацион технологияларга асосланган, энергия тежамкор ва тез барпо этиладиган енгил конструкция ва материаллардан қурилишини, шинамлик ва экологик хавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатларининг комплекс экспертизадан ўтказилишини таъминласин ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан доимий давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

11. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (Ш. Вафаев) Миллий футбол марказини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш мақсадида 2024-2025 йилларда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига келгусида Ўзбекистон футбол ассоциациясига ажратиш учун 50 миллион АҚШ доллари миқдорига 10 йил муддатда 3 йиллик имтиёзли давр билан фоизсиз кредит ажратсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2027 йилдан бошлаб ҳар йили алкоголь ва тамаки маҳсулотларига ўрнатилган акциз солиғидан тушадиган тушумларнинг 2 фоизи ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан кредитни қайтариш графигидаги суммасига (7,1 млн АҚШ доллари экв.) етарли миқдорда маблағларни йўналтирсин.

Бунда, кредит маблағлари Миллий футбол марказини илғор ва халқаро стандартларга мувофиқ барпо этиш, замонавий жиҳоз ва инвентарлар билан таъминлаш, хорижий футбол мутахассисларини жалб этиш ва профессионал футболни ривожлантириш бўйича алоҳида дастурларни амалга оширишга йўналтирилади.

Миллий футбол маркази ва Республика футбол академиясида бир нафардан профессионал футболни ривожлантириш бўйича асосий йўналишларга юқори малака ва кўникмага эга бўлган илғор хорижий тажрибани ўзлаштирган «техник директор» раҳбарлик қилади.

12. Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда Миллий футбол маркази фаолиятини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

13. Ўзбекистон футбол ассоциациясининг ҳудудий футбол академиялари фаолиятини 2023 — 2025 йилларда янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

14. Қўйидагилар ҳудудий футбол академиялари фаолиятини ривожлантиришнинг қўшимча йўналишлари этиб белгилансин:

ҳар бир футбол академияси учун зарур спорт инфратузилмасини яратиш (3 та табиий, 1 та сунъий қопламали футбол майдони, мини-футбол, тренажёр ва гимнастика залларини ўз ичига олган 24 х 60 ўлчамли ёпик манеж, 100 ўринли фаоллар зали, 6 х 15 ўлчамли ихчам сузиш ҳавзаси, 154 ўринли ётоқхона, 8 та ўқув хонаси, спорт тиббиёти ва реабилитация хонаси, 2 та маъмурий хона ва 100 ўринли ошхона);

футбол-таълим тизимининг барча босқичларини тўлиқ рақамлаштириш орқали инсон аралашувини чеклаш, футболчи-ўқувчиларни замонавий технологиялар асосида саралашни (селекция) йўлга қўйиш;

ягона ёндашув асосида футболчиларни тайёрлашнинг илғор хорижий тажрибага асосланган илмий ва методик асосларини татбиқ этиш ва узлуксиз янгилаб бориш;

фаолиятига рейтинг баҳолаш тизимини жорий қилиш, белгиланган минимал талабларни ошириш.

15. Белгилаб қўйилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туман ва шаҳар хокимлари:

а) футболни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларни жойларда тўлақонли амалга ошириш учун масъул ҳисобланади;

б) 2024 йил сентябрь ойида Ўзбекистонда футзал бўйича Жаҳон чемпионати ўтказилиши муносабати билан:

ҳудудларда футзал жамоаларини ташкил этади, шу жумладан профессионал футбол клублари ҳузуридаги футзал бўйича асосий, ёшлар ва аёллар жамоалари фаолиятини йўлга қўяди;

ушбу жамоалар учун замонавий моддий-техника базасини яратади, уларни Ўзбекистон футбол ассоциацияси томонидан белгиланган талаблар асосида молиялаштиради;

футзал жамоаларининг республика миқёсдаги мусобақаларда мунтазам иштирок этиши чораларини кўради;

в) 2025 йил якунига қадар Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида ҳамда маҳаллий бюджетнинг орттириб бажарилган қисми ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан ҳудудий футбол академиялари фаолияти учун зарур бўлган спорт инфратузилмасини яратади ҳамда уларни замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлайди;

г) туман ва шаҳарларда футболни ривожлантириш, унинг инфратузилмасини яхшилаш учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжат-

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан маблағ ажратилишини таъминлайди;

д) 2023 йил 31 декабрга қадар ҳудудлардаги барча стадион ва футбол майдонларини хатловдан ўтказиб, таълим ва спорт ташкилотлари ҳамда эгаси номаълум стадион ва футбол майдонлари спорт фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланилишини тақиқлашни таъминлайди ҳамда уларни таъмирлаш ва мақсадли фойдаланилишини ташкил этади.

16. Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов), Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А. Икромов):

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб мини-футбол инфратузилмалари мавжуд таълим ташкилотларида спорт секциялари фаолиятини, улар ўртасида тизимли мусобақалар ўтказилишини йўлга қўйсин;

2024-2025 йиллар давомида Футбол мутахассисларини тайёрлаш ва илмий-тадқиқот маркази томонидан таълим ташкилотларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари учун мини-футбол бўйича қисқа муддатли курслар ташкил этсин;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ж. Кўчқоров), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари 2025 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида таълим ташкилотларини янгидан қуриш, реконструкция қилишда мини-футбол майдонлари ташкил қилинишини инобатга олсин ҳамда зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

17. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2024 йил 1 январдан бошлаб:

профессионал футболдаги фаолиятини яқунлаган футболчи ва мутахассисларга Ўзбекистон футбол ассоциациясининг ижобий хулосаси асосида уларнинг хусусий секторда амалга оширадиган футболни ривожлантириш лойиҳалари учун, истисно тариқасида, Марказий банк асосий ставкасида «Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» АЖ, «Асакабанк» АЖ ва «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ томонидан миллий валютада 1,5 миллиард сўмгача 5 йилдан кам бўлмаган муддатга имтиёзли кредит ажратилади;

мазкур кредитлар бўйича белгиланган фоиз ставкасининг 5 фоизлик пунктидан юқори қисмини қоплаш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан компенсация тақдим этилади;

худудий футбол академиялари бино-иншоотлари ҳамда уларнинг ҳудудидаги бўш турган ер майдонларида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қонунчиликда белгиланган тартибда мақсадли футбол лойиҳаларини амалга оширишга рухсат берилади.

18. Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов):

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А. Икрамов) билан биргаликда Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (FIFA) ва Осиё футбол конфедерацияси (AFC) билан ҳамкорликни янада кучайтириш орқали нуфузли халқаро футбол мусобақалари ва тадбирларини Ўзбекистонда ўтказиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга оширсин;

Миллий футбол марказига икки нафар юқори даражадаги «техник директор»ни жалб қилиш чораларини кўрсин;

чуқур билим ва тажрибага эга бўлган маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда Футбол мутахассисларини тайёрлаш ва илмий-тадқиқот марказида «футбол тренери», «футбол ҳаками», «футбол таҳлилчиси», «футбол селекционери» (скаут), «спорт психологи», «футбол менежери», «футбол маркетинголог» каби мутахассисликларга ўқитишни йўлга қўйсин;

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А. Икрамов) билан биргаликда фаолиятини тугатган футболчилар ҳамда футбол бўйича етарли назарий билим ва кўникмага эга бўлган кадрларни Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида «футбол тренери», «футбол ҳаками», «футбол таҳлилчиси», «футбол селекционери» (скаут), «футбол менежери», «футбол маркетинголог» каби мутахассисликларга қайта тайёрлашни ташкил этсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Иноятов) ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб Тошкент тиббиёт академиясининг Чирчиқ филиалида «спорт шифокори», «спорт диетолог», «спорт фармаколог» билан бирга «спорт психологи» мутахассислиги бўйича кадрларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйсин.

19. Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов), Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А. Икрамов):

2024 йил 1 мартга қадар республикадаги барча стадион ва футбол майдонларининг ягона электрон реестрини ишлаб чиқсин ҳамда унинг юритилишини таъминласин;

Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов) билан биргаликда 2024 йил якунига қадар футбол соҳасини ва футболчиларни тайёрлашнинг барча босқичларини рақамлаштириш чораларини кўрсин.

Бунда:

ягона реестр базасини яратиш, ишга тушириш ва техник қўллаб-қувватлаш ҳамда футбол соҳасини рақамлаштириш билан боғлиқ харажатлар Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади;

давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва ресурсларида мавжуд маълумотлар Ўзбекистон футбол ассоциацияси учун ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этилган ҳолда, рақамли маълумотлар платформаси орқали бепул асосда тақдим этилади.

20. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб:

Ўзбекистон футбол ассоциацияси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги

тизимидаги спорт мактаблари ва ихтисослаштирилган спорт мактабларидаги мавжуд футбол секциялари тренерларига умумий услубий раҳбарликни амалга оширади;

хар бир ҳудудда оммавий ва профессионал футболни ривожлантириш, шунингдек, мавжуд футбол инфратузилмасидан самарали фойдаланишни ташкил этишга масъул бўлган спорт мактаби директорининг футболни ривожлантириш бўйича алоҳида ўринбосари лавозими жорий этилади;

б) 2024 йил 1 январдан бошлаб илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (FIFA) талабларига мувофиқ «биринчи тренер» тамойили асосида футбол тренерларини рағбатлантириш тизими йўлга қўйилади. Бунда, юқори маҳоратли футболчини босқич-ма-босқич тайёрлаган тренерлар футболчи билан профессионал фаолияти давомида тузиладиган шартномаларнинг суммалари ҳисобидан муносиб рағбатлантириб борилади.

21. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев) Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов), Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А. Икрамов) билан биргаликда:

2024 йил 1 июнга қадар футбол учрашувларини намойиш қилиш, футболни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида футбол бўйича махсус телеканални ташкил қилсин;

2024 йил 1 июлга қадар Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (FIFA) ва Осиё футбол конфедерацияси (AFC) талабларига мувофиқ ўтказиладиган ҳамда Ўзбекистон ички мусобақаларини ёритиш учун 2 та кўчма телевизион станцияларни харид қилиш чораларини кўрсин.

22. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ж. Қўчқоров) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси талабномасига биноан 2 та кўчма телевизион станциялар ҳамда зарур моддий-техник таъминотларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларни 2024 йилги ҳамда футбол бўйича махсус телеканалнинг маҳаллий ва хорижий футбол чемпионатлари намойишини харид қилиш билан боғлиқ харажатларни ҳар йилги Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

23. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар, брифинглар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсин.

24. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А. Икрамов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

25. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб ёшлар сиёсати ва спорт вазири А.И. Икрамов ҳамда Ўзбекистон футбол ассоциацияси раиси А.А. Азизов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош ва-

зири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси департаменти раҳбари О.Қ. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 3 ноябрь,
ПҚ-355-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**447 Каратэ (WKF) спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Каратэ (WKF) спорт тури ёшлар орасида катта оммалашув билан фойдаланаётганлигини ҳисобга олиб уни янада ривожлантириш, каратэ бўйича замонавий спорт объектлари ва иншоотларини барпо этиш, шунингдек, миллий терма жамоаларимизнинг нуфузли спорт мусобақаларида юқори натижаларга эришишини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар 2023 — 2026 йилларда каратэ (WKF) спорт турини (кейинги ўринларда — каратэ) ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

иктидорли ёшларни, шу жумладан қизларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция), уларни спорт мактаблари ва клубларининг секциялари ва тўгаракларига жалб этиш;

аҳолининг барча қатламлари, шу жумладан жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг каратэ билан шуғулланиши учун ҳудудларда «Каратэ ҳамма учун» дастурини амалга ошириш;

мактабгача ёшдаги болаларда каратэнинг «Ката» йўналишига қизиқиш уйғотиш орқали нафас олиш, хотира ва концентрацияни сақлаш, вестибуляр аппаратни чиниқтириш каби соғломлаштириш ишларини олиб бориш, техник кўмак лойиҳаларини жалб этиш орқали «Кидс каратэ» (kids karate) лойиҳасини амалга ошириш;

каратэ бўйича замонавий спорт объектларини барпо этиш, мавжудларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш;

каратэ бўйича профессионал спортчилар сифатида тайёрлашнинг барча босқичларини рақамлаштириш;

каратэга ўқитишнинг замонавий методикаларига асосланган илмий-услубий ва ўқув адабиётлар билан таъминлаш ҳамда тиббий хизматни ривожлантириш;

ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида соғлом турмуш тарзининг муҳим таркибий қисми ва болаларни баркамол инсон этиб тарбиялашга хизмат қиладиган спорт тури сифатида каратэни тарғиб қилишга йўналтирилган янги ва самарали усулларни жорий қилиш.

2. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитасининг:

Ўзбекистон каратэ миллий федерациясини Ўзбекистон каратэ (WKF) ассоциацияси (кейинги ўринларда — Каратэ ассоциацияси) этиб қайта ташкил қилиш;

жойларда ишларни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш, услубий қўллаб-қувватлаш ва мониторинг қилиш мақсадида Каратэ ассоциациясининг ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 4 ноябрда эълон қилинган.

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида паракаратэни ривожлантириш ва уларнинг бу борадаги иқтидорини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси тузилмасида паракаратэ бўлимини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Белгилансинки, Каратэ ассоциацияси:

Ўзбекистон каратэ миллий федерациясининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вояси ҳисобланади;

Халқаро каратэ федерацияси (WKF) томонидан ўрнатилган талаб ва қоидалар асосида Ўзбекистонда каратэ бўйича барча федерация ва ассоциациялар фаолиятини бирлаштиради ҳамда улар ўртасида ўзаро ҳамкорликни ташкил этади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари уч ой муддатда Каратэ ассоциациясининг ҳудудий бўлимлари учун тегишли шарт-шароитлар яратиш, молиявий ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш учун уларга ҳудудий йирик ташкилотлар ва ҳомийларни бириктирсин ҳамда уларни жойлаштириш учун бино ва иншоотлар ажратилишини таъминласин.

4. Қуйидагилар:

2023 — 2026 йилларда каратэ (WKF) спорт турини ривожлантириш дастури 1-иловага* мувофиқ;

2023 — 2026 йилларда каратэ (WKF) спорт турини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2023 — 2026 йилларда каратэ (WKF) спорт турини ривожлантириш дастурини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида назарда тутилмаган маблағлар;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасига Давлат бюджети ва ҳомийлар томонидан ажратилмаган маблағлар;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан ажратилмаган маблағлар;

Каратэ ассоциациясига унинг уставидаги йўналишлар бўйича юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушадиган бадал пуллари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. 2026 йил Дакар шаҳрида (Сенегал) бўлиб ўтадиган IV ёзги Ёшлар олимпия ўйинлари, шунингдек, Бутунжаҳон спорт ўйинлари, Осиё ва Парасиё ўйинларига (кейинги ўринларда — комплекс мусобақалар) Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлашнинг устувор вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

каратэ бўйича клуб, секция ва тўғарақлар тармоғини кенгайтириш, уларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш;

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

илфор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда ҳамда инновацион технологияларни кенг жорий қилиш орқали ҳудудларда каратэ бўйича зарур спорт инфратузилмасини яратиш;

каратэ бўйича Халқаро каратэ федерацияси (WKF) томонидан тасдиқланган норма ва қоидаларда белгиланган ёш тоифалари бўйича миллий терма жамоа таркибларини шакллантириш, шунингдек, нуфузли халқаро ва минтақавий мусобақаларда уларнинг иштирокини таъминлаш.

6. Белгилаб қўйилсинки, каратэ бўйича комплекс мусобақаларга спортчиларни тайёрлаш, уларнинг натижадорлигини ошириш ҳамда Каратэ ассоциацияси фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида (республика ва халқаро спорт мусобақалари, ўқув-машғулот йиғинлари, Осиё ҳамда жаҳон чемпионатлари ва кубоклари, Каратэ ассоциациясининг сақлаш харажатлари учун) 2024 йилдан бошлаб ҳар йили 5 миллиард сўмдан маблағ ажратиб борилади.

Бунда, ушбу маблағларнинг 3 миллиард сўми спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режаси ҳамда қолган қисми Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасига Давлат бюджети ва ҳомийлар томонидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қопланади.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2024 йилдан бошлаб ҳар йили анъанавий тарзда:

республиканинг барча ҳудудларида 7 октябрь куни — Бутунжаҳон каратэ кунига бағишланган Каратэ фестивали;

каратэ ва паракаратэ бўйича нуфузли «Uzbekistan Open» халқаро турнири;

каратэ бўйича Халқаро каратэ федерациясининг (WKF) тасдиқланган норма ва қоидаларида белгиланган ёш тоифалари бўйича уч босқичли (туман/шаҳар, ҳудудий ва республика) чемпионатлар ва кубоклар;

каратэ бўйича давлат спорт-таълим муассасалари ўртасида «Ўзбекистон чемпионати» мусобақаси ўтказилади.

8. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А. Икромов):

а) Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси ва Каратэ ассоциацияси билан биргаликда:

икки ой муддатда мазкур қарорнинг 7-бандида кўрсатилган мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриш ва уларни юқори савияда ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин;

республикада ўтказиладиган халқаро турнирларда маҳаллий каратэчилар билан биргаликда юқори рейтингга эга бўлган халқаро каратэчилар, тренерлар ва ҳакамларнинг иштирокини таъминласин;

мазкур қарорнинг 7-бандида кўрсатилган Каратэ фестивали ва халқаро турнирни 2024 йил 1 январдан бошлаб спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режасига киритсин;

мазкур мусобақаларни ўтказиш жараёнини маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ҳамда бошқа коммуникация манбаларида кенг ёритсин;

б) ҳудудий терма жамоаларнинг асосий тайёргарликни олиб бориши учун уларга ҳудудий спортнинг яққаураш турларига ихтисослаштирилган спорт мактабларининг иншоотларини асосий база сифатида бириктирсин.

9. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова) Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳамда Каратэ ассоциацияси билан биргаликда уч ой муддатда ўз маблағлари ҳисобидан зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлган умумий ўрта таълим мактабларида спорт мактаблари ва клубларининг тренерларини жалб этиш орқали дарсдан ташқари алоҳида каратэ секциялари ва тўғарақларини ташкил этсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари каратэни оммалаштириш мақсадида:

ёшлар ўртасида туман (шаҳар) ва ҳудуд миқёсида мусобақаларни мунтазам равишда ташкил қилсин;

маҳаллий ўқув-машғулот йиғинлари ва спорт мусобақаларида ҳудудий спорт жамоалари иштирок этишини таъминласин.

11. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тизимида Ўзбекистон каратэни ривожлантириш маркази (кейинги ўринларда — Каратэ маркази) ташкил этилсин.

Белгилансинки, Каратэ маркази фаолияти Каратэ ассоциацияси томонидан Халқаро каратэ федерацияси (WKF) билан ҳамкорликда Марказий Осиёда янги «етакчи» (leadership) имиджни яратишга йўналтирилади.

12. Қўйидагилар Каратэ марказининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

каратэ, шу жумладан паракаратэ бўйича юқори малакали профессионал спортчилар, тренерлар, тренер-селекционерлар, ҳакамлар ва бошқа мутахассисларни илғор хорижий тажриба асосида тайёрлаш;

каратэ, шу жумладан паракаратэ бўйича спортчилар, тренерлар, тренер-селекционерлар, ҳакамлар ва бошқа мутахассисларнинг касбий маҳорати ва малакасини ошириш;

каратэ бўйича илғор тажрибаларни ўрганиш ва мамлакатимизда жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида хорижий мамлакатларнинг етакчи муассасаларини жалб этиш ва халқаро алоқаларни ривожлантириш;

каратэ, шу жумладан паракаратэ бўйича ўқув дастурлари ва методологияни янгилаш, спортчи ва мутахассисларнинг тайёргарлик жараёнига илғор инновацион технологияларни жорий этиш;

маҳаллий ва хорижий мутахассислар иштирокида семинар-тренинглар, мастер-класслар, ўқув машғулотлари ташкил этиш.

Белгилансинки, Каратэ маркази барча ёш тоифалари бўйича терма жамоаларнинг ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиш учун асосий спорт базаси ҳисобланади.

13. Каратэ маркази фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

Давлат бюджети маблағлари;

Каратэ ассоциацияси маблағлари;

фаолият ихтисослиги бўйича хизматларни реализация қилишдан ва мар-

казнинг уставдаги вазифаларга мувофиқ бўлган бошқа фаолият турларидан олинган даромадлар;

асосий машғулотлар ўтказилмайдиган вақтда бўш турган мол-мулкни ижарага беришдан тушган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ва бошқа халқаро ташкилотлар грантлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

14. Белгилансинки:

Каратэ маркази Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тизимидаги Тошкент шаҳар олий спорт маҳорати мактаби фаолиятини мақбуллаштириш ҳисобига унинг ўрнида ташкил этилади;

Тошкент шаҳридаги спортнинг ўйин турлари ва энгил атлетика бўйича ихтисослаштирилган спорт мактабининг Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Саккокий кўчаси, 4-«Б» уй манзилида жойлашган бино-иншоотлари тегишли ҳудуди билан бирга Каратэ марказига оператив бошқарув ҳуқуқи билан ўтказиб берилди;

Каратэ маркази биноси ва зарур инфратузилмасини барпо этиш 2024-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида амалга оширилади.

Бунда, Каратэ маркази учун зарур бўладиган қўшимча бино ва иншоотлар инновацион технологияларга асосланган, қиммат бўлмаган, энергия тежовчи ва тез барпо этиладиган энгил конструкция ва материаллардан барпо этилади.

Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда Каратэ маркази фаолиятини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

15. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (М. Исмаилов) Каратэ ассоциацияси (Р. Талипов) билан биргаликда 2024 йил 1 мартга қадар:

жойларда каратэ билан шуғулланаётган, шунингдек, мусобақаларда қатнашувчи барча спортчилар тўғрисидаги маълумотларни тўлиқ рақамлаштирсин;

республика ҳудудларидаги барча турдаги давлат ва нодавлат таълим муассасалари, клуб, секция ва тўғарақларда каратэ билан шуғулланаётган, шунингдек, спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг вилоят ва республика календарь режаларига киритилган мусобақаларда қатнашувчи каратэчилар тўғрисидаги ягона маълумотлар базасини шакллантирсин.

Бунда, ягона маълумотлар базасини яратиш, ишга тушириш ва кейинчалик техник қўллаб-қувватлаш Каратэ ассоциациясига ҳар йили ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

16. Мудофаа вазирлиги (Б. Курбанов) Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Каратэ ассоциацияси билан биргаликда Қуролли Кучлар тизимида каратэни оммалаштириш ва ривожлантириш ишларини амалга оширсин, шу жумладан ҳарбий хизматчилар ва ходимлар ўртасида турнирлар ҳамда мусобақаларни ташкил қилсин, уларни спорт захираси ва терма жамоалар таркибига жалб қилсин.

17. Белгилаб қўйилсинки, 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб:

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида қаратэ бўйича бакалавриат таълим йўналишига ва магистратура мутахассислигига амалдаги ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари жорий ўқув йилига нисбатан икки бараварга оширилади;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Нукус ва Фарғона филиалларида қаратэ бўйича ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари назарда тутилади.

18. Вазирлар Маҳкамаси (А.Н. Арипов):

Йирик халқаро спорт мусобақаларига спортчиларни тайёрлаш бўйича комиссияларнинг кенгайтирилган йиғилишларида мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти, вазибаларнинг сўзсиз бажарилиши ва юзага келаётган муаммо ва масалалар ечимини муҳокама қилиб борсин;

икки ой муддатда қаратэ бўйича комплекс мусобақаларга пухта тайёр-гарлик кўриш мақсадида Қаратэ ассоциациясига тегишли шарт-шароитлар яратиш учун ҳомий ташкилот бириктирсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб ёшлар сиёсати ва спорт вазири А.И. Икрамов, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси бош котиби О.О. Қосимов ҳамда Қаратэ ассоциацияси раиси Р.А. Талипов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси департаменти раҳбари О.Қ. Абдурахманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 3 ноябрь,
ПҚ–356-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I****448 О‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining intellektual
mulk sohasidagi rasmiy nashrlari to‘g‘risidagi nizomni
tasdiqlash haqida***

*О‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil
30-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3468*

O‘zbekiston Respublikasining “Ixtirolar, foydali modellar va sanoat namunalari to‘g‘risida”gi, “Tovar belgilari, xizmat ko‘rsatish belgilari va tovar kelib chiqqan joy nomlari to‘g‘risida”gi, “Geografik ko‘rsatkichlar to‘g‘risida”gi, “Elektron hisoblash mashinalari uchun yaratilgan dasturlar va ma‘lumotlar bazalarining huquqiy himoyasi to‘g‘risida”gi, “Integral mikrosxemalar topologiyalarini huquqiy muhofaza qilish to‘g‘risida”gi va “Seleksiya yutuqlari to‘g‘risida”gi qonunlariga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining intellektual mulk sohasidagi rasmiy nashrlari to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan sanadan e‘tiboran uch oy o‘tgach kuchga kiradi.

Vazir**A. TASHKULOV**

Toshkent sh.,
2023-yil 28-oktabr,
15-mh-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 30-oktabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
adliya vazirining 2023-yil 28 oktabrdagi
15-mh-son buyrug'iga
ILOVA

O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining intellektual mulk sohasidagi rasmiy nashrlari to'g'risidagi NIZOM

Mazkur Nizom O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining (bundan buyon matnda Adliya vazirligi deb yuritiladi) intellektual mulk sohasidagi rasmiy nashrlari (bundan buyon matnda rasmiy nashrlar deb yuritiladi) turlarini, tuzilishini va ularda e'lon qilinadigan ma'lumotlarning tarkibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Rasmiy nashrlar Adliya vazirligining Internet jahon axborot tarmog'idagi sahifasiga elektron shaklda joylashtiriladi va ularda quyidagi ma'lumotlar e'lon qilinadi:

ixtiroga patent berish haqidagi talabnomalar to'g'risida;
ixtiro, foydali model va sanoat namunasiga berilgan patentlar to'g'risida;
ro'yxatdan o'tkazilgan tovar belgilari, xizmat ko'rsatish belgilari, tovar kelib chiqqan joy nomlari va geografik ko'rsatkichlar to'g'risida;
ro'yxatdan o'tkazilgan elektron hisoblash mashinalari (bundan buyon matnda EHM deb yuritiladi) uchun yaratilgan dasturlar, ma'lumotlar bazalari va integral mikrosxemalar topologiyalari to'g'risida;
seleksiya yutug'iga patent berish haqidagi talabnomalar va seleksiya yutug'iga berilgan patentlar to'g'risida;
ro'yxatdan o'tkazilgan intellektual mulk obyektlari bilan bog'liq tegishli davlat reyestrilariga kiritilgan o'zgartirishlar, shu jumladan litsenziya shartnomalari va huquqni o'tkazish bilan bog'liq shartnomalar to'g'risida;
intellektual mulk masalalari bo'yicha boshqa rasmiy ma'lumotlar to'g'risida.

2. Rasmiy nashrlar davlat tilida hamda Butunjahon intellektual mulk tashkilotining (bundan buyon matnda BIMT deb yuritiladi) rasmiy tillaridan birida e'lon qilinadi.

3. Rasmiy nashrlarda e'lon qilingan intellektual mulk obyektlari to'g'risidagi ma'lumotlar jismoniy va yuridik shaxslar foydalanishi uchun ochiq hisoblanadi.

2-bob. Adliya vazirligining intellektual mulk sohasidagi rasmiy nashrlari turlari

4. Adliya vazirligining rasmiy nashrlari turlariga quyidagilar kiradi:

- a) Rasmiy axborotnoma;
- b) Rasmiy axborotnomaga yillik ko'rsatkichlar to'plami;

d) Adliya vazirligining intellektual mulk sohasidagi faoliyati to'g'risidagi yillik hisoboti.

5. Rasmiy axborotnoma quyidagi shakllarda e'lon qilinadi:

“Ixtirolar. Foydali modellar. Sanoat namunalari” rasmiy axborotnomasi;

“Tovar belgilari, xizmat ko'rsatish belgilari, tovar kelib chiqqan joy nomlari va geografik ko'rsatkichlar” rasmiy axborotnomasi;

“EHM uchun yaratilgan dasturlar. Ma'lumotlar bazalari. Integral mikrosxemalar topologiyalari” rasmiy axborotnomasi;

“Seleksiya yutuqlari” rasmiy axborotnomasi.

3-bob. “Ixtirolar. Foydali modellar. Sanoat namunalari” rasmiy axborotnomasining tuzilishi va unda e'lon qilinadigan ma'lumotlarning tarkibi

6. “Ixtirolar. Foydali modellar. Sanoat namunalari” rasmiy axborotnomasi davriy elektron nashr hisoblanadi va bir oyda kamida bir marta nashr etiladi.

“Ixtirolar. Foydali modellar. Sanoat namunalari” rasmiy axborotnomasi uning titul varag'ida ko'rsatilgan muddat davomida to'plangan ma'lumotlar bilan har kuni to'ldirib boriladi.

Bunda, ma'lumotlarni ushbu rasmiy axborotnomaga joylashtirish sanasi ularni rasmiy e'lon qilish sanasi hisoblanadi.

7. “Ixtirolar. Foydali modellar. Sanoat namunalari” rasmiy axborotnomasi quyidagi bo'limlardan iborat bo'ladi:

Ixtirolar;

Foydali modellar;

Sanoat namunalari;

Xabarlar.

8. “Ixtirolar. Foydali modellar. Sanoat namunalari” rasmiy axborotnomasining “Ixtirolar” bo'limida ixtiroga patent berish haqidagi talabnomalar hamda ixtiroga berilgan patentlar to'g'risidagi ma'lumotlar aks ettiriladi.

“Ixtirolar. Foydali modellar. Sanoat namunalari” rasmiy axborotnomasining “Ixtirolar” bo'limida e'lon qilinadigan ma'lumotlar tarkibiga quyidagilar kiradi:

BIMTning ST.9 standartiga muvofiq ixtirolarga tegishli bibliografik ma'lumotlarni identifikatsiyalash uchun xalqaro kodlar ro'yxati;

ixtiroga patent berish haqidagi talabnomalar to'g'risidagi ma'lumotlar;

ixtiroga patent berish haqidagi talabnomalarning tizimli va raqamli ko'rsatkichlari to'g'risidagi ma'lumotlar;

ixtiroga berilgan patentlar to'g'risidagi ma'lumotlar;

ixtiroga berilgan patentlarning tizimli, raqamli va nomli ko'rsatkichlari to'g'risidagi ma'lumotlar.

9. Ixtiroga patent berish haqidagi talabnomalar to'g'risidagi ma'lumotlar tarkibiga quyidagilar kiradi:

bibliografik ma'lumotlar;

ixtiro referati.

10. Ixtiroga berilgan patentlar to'g'risidagi ma'lumotlar tarkibiga quyidagilar kiradi:

bibliografik ma'lumotlar;
ixtiro formulasi.

11. "Ixtirolar. Foydali modellar. Sanoat namunalari" rasmiy axborotnomasining "Foydali modellar" bo'limida foydali modelga berilgan patentlar to'g'risidagi ma'lumotlar aks ettiriladi.

"Ixtirolar. Foydali modellar. Sanoat namunalari" rasmiy axborotnomasining "Foydali modellar" bo'limida e'lon qilinadigan ma'lumotlar tarkibiga quyidagilar kiradi:

BIMTning ST.9 standartiga muvofiq foydali modellarga tegishli bibliografik ma'lumotlarni identifikatsiyalash uchun xalqaro kodlar ro'yxati;
foydali modellarga berilgan patentlar to'g'risidagi ma'lumotlar;
foydali modellarga berilgan patentlarning tizimli, raqamli va nomli ko'rsatkichlari.

12. Foydali modellarga berilgan patentlar to'g'risidagi ma'lumotlar tarkibiga quyidagilar kiradi:

bibliografik ma'lumotlar;
foydali model referati.

13. "Ixtirolar. Foydali modellar. Sanoat namunalari" rasmiy axborotnomasining "Sanoat namunalari" bo'limida sanoat namunasiga berilgan patentlar to'g'risidagi ma'lumotlar aks ettiriladi.

"Ixtirolar. Foydali modellar. Sanoat namunalari" rasmiy axborotnomasining "Sanoat namunalari" bo'limida e'lon qilinadigan ma'lumotlar tarkibiga quyidagilar kiradi:

BIMTning ST.80 standartiga muvofiq sanoat namunalariga tegishli bibliografik ma'lumotlarni identifikatsiyalash uchun xalqaro kodlar ro'yxati;
sanoat namunalariga berilgan patentlar to'g'risidagi ma'lumotlar;
sanoat namunalariga berilgan patentlarning tizimli, raqamli va nomli ko'rsatkichlari.

14. Sanoat namunalariga berilgan patentlar to'g'risidagi ma'lumotlar tarkibiga quyidagilar kiradi:

bibliografik ma'lumotlar;
sanoat namunasi tasviri.

15. "Ixtirolar. Foydali modellar. Sanoat namunalari" rasmiy axborotnomasining "Xabarlar" bo'limida ixtirolar, foydali modellar va sanoat namunalaridan foydalanish to'g'risidagi litsenziya shartnomalari va ushbu obyektlarga bo'lgan huquqlarni boshqa shaxslarga o'tkazish to'g'risidagi shartnomalar, shuningdek ixtirolar, foydali modellar va sanoat namunalariga oid davlat reyestrilariga kiritilgan o'zgartirishlar to'g'risidagi hamda intellektual mulk masalalari bo'yicha boshqa rasmiy ma'lumotlar aks ettiriladi.

16. "Ixtirolar. Foydali modellar. Sanoat namunalari" rasmiy axborotnomasi tarkibidagi bo'limlardan biri bo'yicha e'lon qilinadigan ma'lumotlar mavjud bo'lmagan taqdirda, ushbu bo'lim istisno qilingan holda mazkur bobda keltirilgan bo'limlar ketma-ketligi saqlab qolinadi.

4-bob. “Tovar belgilari, xizmat ko‘rsatish belgilari, tovar kelib chiqqan joy nomlari va geografik ko‘rsatkichlar” rasmiy axborotnomasining tuzilishi va unda e‘lon qilinadigan ma‘lumotlarning tarkibi

17. “Tovar belgilari, xizmat ko‘rsatish belgilari, tovar kelib chiqqan joy nomlari va geografik ko‘rsatkichlar” rasmiy axborotnomasi davriy elektron nashr hisoblanadi va bir oyda kamida bir marta nashr etiladi.

18. “Tovar belgilari, xizmat ko‘rsatish belgilari, tovar kelib chiqqan joy nomlari va geografik ko‘rsatkichlar” rasmiy axborotnomasi uning titul varag‘ida ko‘rsatilgan muddat davomida to‘plangan ma‘lumotlar bilan har kuni to‘ldirib boriladi.

Bunda, ma‘lumotlarni mazkur rasmiy axborotnomaga joylashtirish sanasi ularni rasmiy e‘lon qilish sanasi hisoblanadi.

19. “Tovar belgilari, xizmat ko‘rsatish belgilari, tovar kelib chiqqan joy nomlari va geografik ko‘rsatkichlar” rasmiy axborotnomasi quyidagi bo‘limlardan iborat bo‘ladi:

Tovar belgilari va xizmat ko‘rsatish belgilari;

Tovar kelib chiqqan joy nomlari;

Geografik ko‘rsatkichlar;

Xabarlar.

20. “Tovar belgilari, xizmat ko‘rsatish belgilari, tovar kelib chiqqan joy nomlari va geografik ko‘rsatkichlar” rasmiy axborotnomasining “Tovar belgilari va xizmat ko‘rsatish belgilari” bo‘limida ro‘yxatdan o‘tkazilgan tovar belgilari va xizmat ko‘rsatish belgilari to‘g‘risidagi ma‘lumotlar aks ettiriladi.

“Tovar belgilari va xizmat ko‘rsatish belgilari” bo‘limida e‘lon qilinadigan ma‘lumotlar tarkibiga quyidagilar kiradi:

BIMTning ST.60 standartiga muvofiq tovar belgilari va xizmat ko‘rsatish belgilariga tegishli bibliografik ma‘lumotlarni identifikatsiyalash uchun xalqaro kodlar ro‘yxati;

ro‘yxatdan o‘tkazilgan tovar belgilari va xizmat ko‘rsatish belgilari to‘g‘risidagi ma‘lumotlar;

tovar belgilari va xizmat ko‘rsatish belgilariga doir guvohnoma va talabnomalarning tizimli va raqamli ko‘rsatkichlari.

21. Ro‘yxatdan o‘tkazilgan tovar belgilari va xizmat ko‘rsatish belgilari to‘g‘risidagi ma‘lumotlar tarkibiga quyidagilar kiradi:

bibliografik ma‘lumotlar;

tovar belgisi va xizmat ko‘rsatish belgisi tasviri;

belgilarni ro‘yxatdan o‘tkazish uchun tovarlar va xizmatlarning xalqaro tasnifiga (Nitsta klassifikatsiyasi) muvofiq guruhlangan, tovar belgisini ro‘yxatdan o‘tkazish so‘ralayotgan tovarlarning ro‘yxati.

22. “Tovar belgilari, xizmat ko‘rsatish belgilari, tovar kelib chiqqan joy nomlari va geografik ko‘rsatkichlar” rasmiy axborotnomasining “Tovar kelib chiqqan joy nomlari” bo‘limida tovar kelib chiqqan joy nomini va tovar kelib chiqqan joy nomidan foydalanish huquqini ro‘yxatdan o‘tkazish to‘g‘risidagi ma‘lumotlar aks ettiriladi.

“Tovar kelib chiqqan joy nomlari” bo‘limida e‘lon qilinadigan ma‘lumotlar tarkibiga quyidagilar kiradi:

BIMTning ST.60 — ST.69 standartlariga muvofiq shakllantirilgan tovar kelib chiqqan joy nomlariga tegishli bibliografik ma‘lumotlarni identifikatsiyalash uchun xalqaro kodlar ro‘yxati;

ro‘yxatdan o‘tkazilgan tovar kelib chiqqan joy nomlari to‘g‘risidagi ma‘lumotlar;

tovar kelib chiqqan joy nomidan foydalanish huquqini ro‘yxatdan o‘tkazish to‘g‘risidagi ma‘lumotlar;

tovar kelib chiqqan joy nomidan foydalanish huquqi to‘g‘risidagi guvohnomaning raqamli ko‘rsatkichlari.

23. Ro‘yxatdan o‘tkazilgan tovar kelib chiqqan joy nomlari va tovar kelib chiqqan joy nomidan foydalanish huquqini ro‘yxatdan o‘tkazish to‘g‘risidagi ma‘lumotlar tarkibiga quyidagilar kiradi:

bibliografik ma‘lumotlar;

tovar turi va uning alohida xususiyatlari tavsifi.

24. “Tovar belgilari, xizmat ko‘rsatish belgilari, tovar kelib chiqqan joy nomlari va geografik ko‘rsatkichlar” rasmiy axborotnomasining “Geografik ko‘rsatkichlar” bo‘limida geografik ko‘rsatkichlar va geografik ko‘rsatkichlardan foydalanish huquqini ro‘yxatdan o‘tkazish to‘g‘risidagi ma‘lumotlar aks ettiriladi.

“Geografik ko‘rsatkichlar” bo‘limida e‘lon qilinadigan ma‘lumotlar tarkibiga quyidagilar kiradi:

BIMTning ST.60 — ST.69 standartlariga muvofiq shakllantirilgan geografik ko‘rsatkichlarga tegishli bibliografik ma‘lumotlarni identifikatsiyalash uchun xalqaro kodlar ro‘yxati;

ro‘yxatdan o‘tkazilgan geografik ko‘rsatkichlar to‘g‘risidagi ma‘lumotlar;

geografik ko‘rsatkichdan foydalanish huquqini ro‘yxatdan o‘tkazish to‘g‘risidagi ma‘lumotlar;

geografik ko‘rsatkichdan foydalanish huquqi to‘g‘risidagi guvohnomaning raqamli ko‘rsatkichlari.

25. Ro‘yxatdan o‘tkazilgan geografik ko‘rsatkichlar va geografik ko‘rsatkichdan foydalanish huquqini ro‘yxatdan o‘tkazish to‘g‘risidagi ma‘lumotlar tarkibiga quyidagilar kiradi:

bibliografik ma‘lumotlar;

tovar turi va uning alohida xususiyatlari tavsifi.

26. “Tovar belgilari, xizmat ko‘rsatish belgilari, tovar kelib chiqqan joy nomlari va geografik ko‘rsatkichlar” rasmiy axborotnomasining “Xabarlar” bo‘limida tovar belgilari va xizmat ko‘rsatish belgilaridan foydalanish to‘g‘risidagi litsenziya shartnomalari va ushbu obyektlarga bo‘lgan huquqlarni boshqa shaxslarga o‘tkazish to‘g‘risidagi shartnomalar, shuningdek tovar belgilari, xizmat ko‘rsatish belgilari, tovar kelib chiqqan joy nomlari va geografik ko‘rsatkichlarga oid davlat reyestrilariga kiritilgan o‘zgartirishlar to‘g‘risidagi hamda intellektual mulk masalalari bo‘yicha boshqa rasmiy ma‘lumotlar aks ettiriladi.

27. “Tovar belgilari, xizmat ko‘rsatish belgilari, tovar kelib chiqqan joy nomlari va geografik ko‘rsatkichlar” rasmiy axborotnomasi tarkibidagi bo‘limlardan biri

bo'yicha e'lon qilinadigan ma'lumotlar mavjud bo'lmagan taqdirda, ushbu bo'lim istisno qilingan holda mazkur bobda keltirilgan bo'limlar ketma-ketligi saqlanib qoladi.

5-bob. “EHM uchun yaratilgan dasturlar. Ma'lumotlar bazalari. Integral mikrosxemalar topologiyalari” rasmiy axborotnomasining tuzilishi va unda nashr etiladigan ma'lumotlarning tarkibi

28. “EHM uchun yaratilgan dasturlar. Ma'lumotlar bazalari. Integral mikrosxemalar topologiyalari” rasmiy axborotnomasi davriy elektron nashr hisoblanadi va bir oyda kamida bir marta nashr etiladi.

“EHM uchun yaratilgan dasturlar. Ma'lumotlar bazalari. Integral mikrosxemalar topologiyalari” rasmiy axborotnomasi uning titul varag'ida ko'rsatilgan muddat davomida to'plangan ma'lumotlar bilan har kuni to'ldirib boriladi.

Bunda, ma'lumotlarni ushbu rasmiy axborotnomaga joylashtirish sanasi ularni rasmiy e'lon qilish sanasi hisoblanadi.

29. “EHM uchun yaratilgan dasturlar. Ma'lumotlar bazalari. Integral mikrosxemalar topologiyalari” rasmiy axborotnomasi quyidagi bo'limlardan iborat bo'ladi:

EHM uchun yaratilgan dasturlar;
Ma'lumotlar bazalari;
Integral mikrosxemalar topologiyalari;
Xabarlar.

30. “EHM uchun yaratilgan dasturlar. Ma'lumotlar bazalari. Integral mikrosxemalar topologiyalari” rasmiy axborotnomasining “EHM uchun yaratilgan dasturlar” bo'limida ro'yxatdan o'tkazilgan EHM uchun yaratilgan dasturlar to'g'risidagi ma'lumotlar aks ettiriladi.

“EHM uchun yaratilgan dasturlar” bo'limida e'lon qilinadigan ma'lumotlar tarkibiga quyidagilar kiradi:

BIMTning ST.9 standartlariga muvofiq shakllantirilgan EHM uchun yaratilgan dasturlarga tegishli bibliografik ma'lumotlarni identifikatsiyalash uchun kodlar ro'yxati;

ro'yxatdan o'tkazilgan EHM uchun yaratilgan dasturlar to'g'risidagi ma'lumotlar;

EHM uchun yaratilgan dasturlarni rasmiy ro'yxatdan o'tkazganlik to'g'risidagi guvohnomaning raqamli ko'rsatkichlari.

31. Ro'yxatdan o'tkazilgan EHM uchun yaratilgan dasturlar to'g'risidagi ma'lumotlar tarkibiga quyidagilar kiradi:

bibliografik ma'lumotlar;
EHM uchun yaratilgan dastur referati.

32. “EHM uchun yaratilgan dasturlar. Ma'lumotlar bazalari. Integral mikrosxemalar topologiyalari” rasmiy axborotnomasining “Ma'lumotlar bazalari” bo'limida ro'yxatdan o'tkazilgan ma'lumotlar bazalari to'g'risidagi ma'lumotlar aks ettiriladi.

“Ma’lumotlar bazalari” bo’limida e’lon qilinadigan ma’lumotlar tarkibiga quyidagilar kiradi:

BIMTning ST.9 standartiga muvofiq shakllantirilgan ma’lumotlar bazalariga tegishli bibliografik ma’lumotlarni identifikatsiyalash uchun kodlar ro’yxati;
ro’yxatdan o’tkazilgan ma’lumotlar bazalari to’g’risidagi ma’lumotlar;
ma’lumotlar bazalarini rasmiy ro’yxatdan o’tkazganlik to’g’risidagi guvohnomaning raqamli ko’rsatkichlari.

33. “EHM uchun yaratilgan dasturlar. Ma’lumotlar bazalari. Integral mikrosxemalar topologiyalari” rasmiy axborotnomasining “Integral mikrosxemalar topologiyalari” bo’limida ro’yxatdan o’tkazilgan integral mikrosxemalar topologiyalari to’g’risidagi ma’lumotlar aks ettiriladi.

“Integral mikrosxemalar topologiyalari” bo’limida e’lon qilinadigan ma’lumotlar tarkibiga quyidagilar kiradi:

BIMTning ST.13 standartiga muvofiq integral mikrosxemalar topologiyalariga tegishli bibliografik ma’lumotlarni identifikatsiyalash uchun xalqaro kodlar ro’yxati;

ro’yxatdan o’tkazilgan integral mikrosxemalar topologiyalari to’g’risidagi ma’lumotlar;

integral mikrosxemalar topologiyalarini ro’yxatdan o’tkazganlik to’g’risidagi guvohnomaning raqamli ko’rsatkichlari.

34. Ro’yxatdan o’tkazilgan integral mikrosxemalar topologiyalari to’g’risidagi ma’lumotlar tarkibiga quyidagilar kiradi:

bibliografik ma’lumotlar;

integral mikrosxemalar topologiyasi referati.

35. “EHM uchun yaratilgan dasturlar. Ma’lumotlar bazalari. Integral mikrosxemalar topologiyalari” rasmiy axborotnomasining “Xabarlar” bo’limida EHM uchun dasturlar, ma’lumotlar bazalari, integral mikrosxemalar topologiyalaridan foydalanish to’g’risidagi litsenziya shartnomalari va ushbu obyektlarga bo’lgan huquqlarni boshqa shaxslarga o’tkazish to’g’risidagi shartnomalar, shuningdek EHM uchun yaratilgan dasturlar, ma’lumotlar bazalari, integral mikrosxemalar topologiyalariga oid davlat reyestrlariga kiritilgan o’zgartirishlar to’g’risidagi hamda intellektual mulk masalalari bo’yicha boshqa rasmiy ma’lumotlar aks ettiriladi.

36. “EHM uchun yaratilgan dasturlar. Ma’lumotlar bazalari. Integral mikrosxemalar topologiyalari” rasmiy axborotnomasi tarkibidagi bo’limlardan biri bo’yicha e’lon qilinadigan ma’lumotlar mavjud bo’lmagan taqdirda, ushbu bo’lim istisno qilingan holda mazkur bobda keltirilgan bo’limlar ketma-ketligi saqlanib qoladi.

6-bob. “Seleksiya yutuqlari” rasmiy axborotnomasining tuzilishi va unda e’lon qilinadigan ma’lumotlarning tarkibi

37. “Seleksiya yutuqlari” rasmiy axborotnomasi davriy elektron nashr hisoblanadi va bir oyda kamida bir marta nashr etiladi.

“Seleksiya yutuqlari” rasmiy axborotnomasi uning titul varag’ida ko’rsatilgan muddat davomida to’plangan ma’lumotlar bilan har kuni to’ldirib boriladi.

Bunda, ma'lumotlarni ushbu rasmiy axborotnomaga joylashtirish sanasi ularni rasmiy e'lon qilish sanasi hisoblanadi.

38. "Seleksiya yutuqlari" rasmiy axborotnomasi quyidagi bo'limlardan iborat bo'ladi:

Seleksiya yutuqlari;

Xabarlar.

39. "Seleksiya yutuqlari" rasmiy axborotnomasining "Seleksiya yutuqlari" bo'limida seleksiya yutug'iga patent berish haqidagi talabnomalar va seleksiya yutug'iga berilgan patentlar to'g'risidagi ma'lumotlar aks ettiriladi.

"Seleksiya yutuqlari" bo'limida e'lon qilinadigan ma'lumotlar tarkibiga quyidagilar kiradi:

BIMTning ST.9, ST.17 standartlariga muvofiq shakllantirilgan seleksiya yutuqlariga tegishli bibliografik ma'lumotlarni identifikatsiyalash uchun kodlar ro'yxati;

seleksiya yutug'iga patent berish haqidagi talabnomalar to'g'risidagi ma'lumotlar;

seleksiya yutug'iga patent berish haqidagi talabnomalarning tizimli va raqamli ko'rsatkichlari;

seleksiya yutug'iga berilgan patentlar to'g'risidagi ma'lumotlar;

seleksiya yutug'iga berilgan patentlarning tizimli, raqamli va nomli ko'rsatkichlari to'g'risidagi ma'lumotlar.

40. Seleksiya yutug'iga patent berish haqidagi talabnomalar to'g'risidagi ma'lumotlar tarkibiga quyidagilar kiradi:

bibliografik ma'lumotlar;

seleksiya yutug'ining nomi.

41. Seleksiya yutug'iga berilgan patentlar to'g'risidagi ma'lumotlar tarkibiga quyidagilar kiradi:

bibliografik ma'lumotlar;

seleksiya yutug'i tavsifi.

42. "Seleksiya yutuqlari" rasmiy axborotnomasining "Xabarlar" bo'limida seleksiya yutuqlaridan foydalanish to'g'risidagi litsenziya shartnomalari va seleksiya yutuqlariga bo'lgan huquqlarni boshqa shaxslarga o'tkazish to'g'risidagi shartnomalar, shuningdek seleksiya yutuqlariga oid davlat reyestriga kiritilgan o'zgartirishlar to'g'risidagi hamda intellektual mulk masalalari bo'yicha boshqa rasmiy ma'lumotlar aks ettiriladi.

43. "Seleksiya yutuqlari" rasmiy axborotnomasi tarkibidagi bo'limlardan biri bo'yicha e'lon qilinadigan ma'lumotlar mavjud bo'lmagan taqdirda, ushbu bo'lim istisno qilingan holda mazkur bobda keltirilgan bo'limlar ketma-ketligi saqlanib qoladi.

7-bob. "Rasmiy axborotnomaga yillik ko'rsatkichlar to'plami" rasmiy nashrining tuzilishi va unda e'lon qilinadigan ma'lumotlarning tarkibi

44. "Rasmiy axborotnomaga yillik ko'rsatkichlar to'plami" elektron nashr hisoblanadi va bir yilda bir marta nashr etiladi.

Ushbu rasmiy nashr Xalqaro patent klassifikatsiyasi, Sanoat namunalari xalqaro klassifikatsiyasi, Tovar va xizmatlar xalqaro tasnifi sinflari hamda boshqa belgilari bo'yicha qidiruv ishlarini amalga oshirishga imkoniyat yaratadigan ixtirolar, foydali modellar, sanoat namunalari va tovar belgilariga oid yillik ko'rsatkichlarning majmuasini ifoda etadi.

45. "Rasmiy axborotnomaga yillik ko'rsatkichlar to'plami" rasmiy nashrida e'lon qilinadigan ma'lumotlar tarkibiga quyidagilar kiradi:

"Ixtirolar. Foydali modellar. Sanoat namunalari" rasmiy axborotnomasining bir yil davomida e'lon qilingan sonlaridagi ixtirolarga patent berish haqidagi talabnomalarning tizimli va raqamli ko'rsatkichlari;

"Ixtirolar. Foydali modellar. Sanoat namunalari" rasmiy axborotnomasining bir yil davomida e'lon qilingan sonlaridagi ixtirolar, foydali modellar va sanoat namunalari berilgan patentlarning tizimli, raqamli va nomli ko'rsatkichlari;

"Tovar belgilari, xizmat ko'rsatish belgilari, geografik ko'rsatkichlar va tovar kelib chiqqan joy nomlari" rasmiy axborotnomasining bir yil davomida e'lon qilingan sonlaridagi tovar belgilari va xizmat ko'rsatish belgilari guvohnomalarining tizimli va raqamli ko'rsatkichlari hamda talabnomalarning raqamli ko'rsatkichlari.

8-bob. "Adliya vazirligining intellektual mulk sohasidagi faoliyati to'g'risidagi yillik hisoboti" rasmiy nashrining tuzilishi va unda e'lon qilinadigan ma'lumotlarning tarkibi

46. "Adliya vazirligining intellektual mulk sohasidagi faoliyati to'g'risidagi yillik hisoboti" elektron nashr hisoblanadi va bir yilda bir marta nashr etiladi.

"Adliya vazirligining intellektual mulk sohasidagi faoliyati to'g'risidagi yillik hisoboti" rasmiy nashri intellektual mulk sohasidagi statistik va tahliliy ma'lumotlarni o'z ichiga oladi.

47. "Adliya vazirligining intellektual mulk sohasidagi faoliyati to'g'risidagi yillik hisoboti" rasmiy nashrida e'lon qilinadigan ma'lumotlar tarkibiga quyidagilar kiradi:

intellektual mulk sohasidagi huquq ijodkorligiga oid ma'lumotlar;

intellektual mulk obyektlarini davlat ro'yxatidan o'tkazish sohasidagi faoliyatga oid ma'lumotlar;

intellektual mulk huquqlarini himoya qilish sohasidagi faoliyatga oid ma'lumotlar;

intellektual mulk sohasida rasmiy nashrlarni e'lon qilish faoliyatiga oid ma'lumotlar;

Adliya vazirligida ro'yxatga olingan patent vakillari to'g'risidagi ma'lumotlar;

intellektual mulk obyektlarini ro'yxatdan o'tkazishga oid 5 yillik statistik va tahliliy ma'lumotlar;

yuridik va jismoniy shaxslarning murojaatlari bilan bog'liq statistik ma'lumotlar;

intellektual mulk sohasi bo'yicha xalqaro hamkorlikka oid ma'lumotlar.

"Adliya vazirligining intellektual mulk sohasidagi faoliyati to'g'risidagi yillik

hisoboti” rasmiy nashrida ushbu bandeda nazarda tutilmagan intellektual mulk sohasiga oid boshqa ma’lumotlar ham e’lon qilinishi mumkin.

9-bob. Yakuniy qoida

48. Ushbu Nizom talablarining buzilishida aybdor bo’lgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgar bo’ladi.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

449 Давлат бошқаруви тизими такомиллаштирилиши муносабати билан айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3469*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2022 йил 21 декабрдаги ПҚ–447-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ТАШКУЛОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 30 октябрь,
16-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2023 йил 30 октябрдаги
16-мҳ-сон буйруғига
ИЛОВА

**Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 21 декабрдаги 304-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 2166, 2010 йил 21 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 499-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомнинг 9-банди иккинчи хатбошисидаги «Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни тартибга солиш бошқармасининг» деган сўзлар «Нотариат, адвокатура ва ҳуқуқий хизматлар бошқармасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 3 ноябрда эълон қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги бош директорининг 2011 йил 22 декабрдаги 89-сон буйруғи (рўйхат рақами 2317, 2012 йил 23 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 3-4-сон, 33-модда) билан тасдиқланган Электрон архив тўғрисидаги намунавий низомнинг 9-бандидаги «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар «Адлия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги бош директорининг 2012 йил 14 февралдаги 10-сон буйруғи (рўйхат рақами 2347, 2012 йил 29 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 13-сон, 150-модда) билан тасдиқланган Ҳужжатларнинг қимматлигини аниқлаш экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандида:

бешинчи хатбошидаги «давлат қўмитаси» деган сўзлар «қўмита» деган сўз билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар «Адлия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги бош директорининг 2012 йил 9 апрелдаги 29-сон буйруғи (рўйхат рақами 2360, 2012 йил 11 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 19-сон, 214-модда) билан тасдиқланган Архив ҳужжатлари давлат архивларига топширилиши лозим бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг рўйхатини тузиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-банди бешинчи хатбошисидаги «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар «Адлия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2013 йил 31 декабрдаги 400-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2547, 2013 йил 31 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 1-сон, 10-модда) билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 103-банди иккинчи хатбошисидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги бош директорининг 2014 йил 25 августдаги 62-сон буйруғи (рўйхат рақами 2615, 2014 йил 12 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 37-сон, 480-модда) Архивлар ва идоравий архивлар томонидан пулли асосда кўрсатиладиган хизматлар номенклатурасини тузиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

1) 11-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 15-банддаги «Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги бош директорининг 2016 йил 20 июндаги 45-сон буйруғи (рўйхат

рақами 2807, 2016 йил 7 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 27-сон, 334-модда) билан тасдиқланган Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этилган ҳужжатлар билан ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 12-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Ахборот-кутубхона ва архив муассасаларида электрон базаларнинг ахборот хавфсизлиги тегишлича Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Ахборот хавфсизлиги сиёсати талабларига мувофиқ таъминланади.»

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги 39-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2861, 2017 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 9-сон, 137-модда) билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг маълумотлари базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомда:

1) 6-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Маълумотлар базалари тегишлича Вазирликнинг Нотариат, адвокатура ва ҳуқуқий хизматлар бошқармаси, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг Нотариат, адвокатура ва ҳуқуқий хизматлар бўлимлари томонидан шакллантирилади ва юритилади.»;

2) 13-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Маълумотлар базаларининг ўз вақтида ва тўғри юритилиши учун масъулият тегишлича Вазирликнинг Нотариат, адвокатура ва ҳуқуқий хизматлар бошқармаси, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг Нотариат, адвокатура ва ҳуқуқий хизматлар бўлимлари зиммасига юклатилади.»;

3) 14-банддаги «Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни тартибга солиш бошқармаси» деган сўзлар «Нотариат, адвокатура ва ҳуқуқий хизматлар бошқармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 28 августдаги 264-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2919, 2017 йил 28 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 933-модда) билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларини мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

1) 6-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Мартаба даражаларига тавсия этилган юридик хизмат ходимларини аттестациядан ўтказиш ишлари тегишлича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Нотариат, адвокатура ва ҳуқуқий хизматлар бошқармаси, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг Нотариат, адвокатура ва ҳуқуқий хизматлар бўлимлари томонидан ташкил этилади.»;

2) 7-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«7. Мартаба даражаларига тавсия этиш ҳақидаги ҳужжатлар тегишлича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Нотариат, адвокатура ва ҳуқуқий хизматлар бошқармаси, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг Нотариат, адвокатура ва ҳуқуқий хизматлар бўлимлари томонидан кўриб чиқилади ҳамда тегишли таклифлар билан аттестация ўтказиш масаласини кўриб чиқиш учун аттестация комиссиясига тақдим этилади.»

10. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 28 августдаги 265-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2920, 2017 йил 28 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 934-модда) билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 14-банди, 17-бандининг иккинчи хатбошиси ҳамда 20-бандининг биринчи хатбошисидаги «Юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш бошқармаси» деган сўзлар «Нотариат, адвокатура ва ҳуқуқий хизматлар бошқармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 1 июндаги 308-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 3020, 2018 йил 1 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.06.2018 й., 10/18/3020/1332-сон) билан тасдиқланган Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирлари ҳақида хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-банди олтинчи хатбошисидаги «Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги» деган сўзлар «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 4 январдаги 3-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 3114, 2019 йил 4 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2019 й., 10/18/3114/2423-сон) билан тасдиқланган Давлат нотариал идораси нотариусини лавозимига тайинлаш бўйича танлов ва хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича малака имтиҳонини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди иккинчи хатбошисидаги «Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни тартибга солиш бошқармасининг» деган сўзлар «Нотариат, адвокатура ва ҳуқуқий хизматлар бошқармасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 18 июндаги 13-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 3311, 2021 йил 19 июнь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.06.2021 й., 10/21/3311/0577-сон) билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш қоидаларининг 7-банди «д» кичик банди, 10-бандининг еттинчи хатбошиси ҳамда 23-банди еттинчи хатбошисидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар «қўмиталар» деган сўз билан алмаштирилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2022 йил 27 январдаги 1 ва 01/ҚҚ-сон қарори (рўйхат рақами 3346, 2022 йил 27 январь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.01.2022 й., 10/22/3346/0076-сон) билан тасдиқланган

Тошкент давлат юридик университети қошидаги академик лицейга ўқишга қабул қилиш учун тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

1) 1-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги вакили — Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги (бундан буён матнда Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги деб юритилади) директорининг буйруғи билан тайинланадиган, тест синовлари ўтказиладиган тегишли бинода белгиланган вазифа ва мажбуриятлар бўйича амалга ошириладиган тадбирларга умумий раҳбарлик қилувчи ҳамда тест синови иштирокчиларининг вазифаларига мувофиқ ҳаракатини назорат қилувчи ва амалий ёрдам кўрсатувчи ходим;»;

бешинчи ва олтинчи хатбошилардаги «Давлат тест маркази» деган сўзлар «Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 4-банднинг биринчи хатбошиси, 7, 8, 16, 31 ва 51-бандлардаги «Давлат тест марказининг» деган сўзлар «Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 5-банднинг иккинчи хатбошиси, 11-банд, 12-банднинг иккинчи хатбошиси, 13, 14, 20, 22 ва 23-бандлар, 24-банднинг биринчи хатбошиси, 26-банд, 29-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари, 35-банднинг иккинчи хатбошиси, 50-банд ҳамда 52-банднинг биринчи хатбошисидаги «Давлат тест маркази» деган сўзлар «Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 21-бандда:

биринчи хатбошидаги «Давлат тест маркази» деган сўзлар «Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Давлат тест марказига» деган сўзлар «Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 25-бандда:

биринчи хатбошидаги «Давлат тест маркази» деган сўзлар «Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Давлат тест марказининг» деган сўзлар «Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 2 февралдаги 2-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 3347, 2022 йил 2 февраль) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.02.2022 й., 10/22/3347/0094-сон) билан тасдиқланган Қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича экспертлар реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандидаги «Қонунчиликни тизимлаштириш ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси» деган сўзлар «Қонунчилик ҳужжатларини таҳлил қилиш, тартибга солиш таъсирини баҳолаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2022 йил 8 феврал-

даги 2-сон, Бош прокуратурасининг 2022 йил 30 январдаги 3-ҚҚ-сон, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил 31 январдаги 31/1-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил 8 февралдаги 5ҚҚ180222-сон, Миллий гвардиясининг 2022 йил 3 февралдаги 5-сон ва Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 2 февралдаги 3/02-22-00036-сон қарори (рўйхат рақами 3349, 2022 йил 9 февраль) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.02.2022 й., 10/22/3349/0123-сон) билан тасдиқланган Прокуратура органлари, адлия органлари (муассасалари), давлат божхона хизмати органлари, Миллий гвардия органлари, Давлат фельдъегерлик хизмати ходимлари ва уларнинг оила аъзоларига, шунингдек, прокуратура органларининг пенсионерлари ҳамда давлат божхона хизмати органларининг пенсионерлари, Миллий гвардия органларининг собиқ ходимлардан бўлган пенсионерлари ва Давлат фельдъегерлик хизмати пенсионерларига ва уларнинг оила аъзоларига Ички ишлар вазирлигининг даволаш-профилактика муассасаларида тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳамда санаторий-курорт таъминоти ҳақидаги низомда:

1) 1-банддаги «Давлат божхона қўмитасининг» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 24 ва 28-бандлардаги «Давлат божхона қўмитаси» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I**450 Normativ-huquqiy hujjatlar va ular loyihalarida korrupsiyani keltirib chiqaruvchi omillarni aniqlash uslubiyatini tasdiqlash haqida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil
31-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3470*

O‘zbekiston Respublikasining “Normativ-huquqiy hujjatlarning va ular loyihalarining korrupsiyaga qarshi ekspertizasi to‘g‘risida”gi Qonuni va O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 13-apreldagi PQ–3666-son “O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi faoliyatini yanada takomillashtirishga doir tashkiliy chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga asosan **buyuraman:**

1. Normativ-huquqiy hujjatlar va ular loyihalarida korrupsiyani keltirib chiqaruvchi omillarni aniqlash uslubiyati 1-ilovaga** muvofiq tasdiqlansin.
2. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar 2-ilovaga muvofiq o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.
3. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi bilan kelishilgan.
4. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. TASHKULOV

Toshkent sh.,
2023-yil 30-oktabr,
17-mh-son

Kelishildi:

**Korrupsiyaga qarshi kurashish
agentligi direktori**

A. BURXANOV

2023-yil 24-oktabr

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 1-noyabrda e‘lon qilingan.

** 1-ilova «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da e‘lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
adliya vazirining 2023-yil 30-oktabrdagi
17-mh-son buyrug‘iga
2-ILOVA

**O‘z kuchini yo‘qotgan deb topilayotgan idoraviy
normativ-huquqiy hujjatlar
RO‘YXATI**

1. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2021-yil 24-fevraldagi 2-mh-son “Normativ-huquqiy hujjatlar va ular loyihalarining korrupsiyaga qarshi ekspertizasini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3287, 2021-yil 24-fevral) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 24.02.2021-y., 10/21/3287/0153-son).

2. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2022-yil 27-yanvardagi 1-mh-son “Normativ-huquqiy hujjatlar va ular loyihalarining korrupsiyaga qarshi ekspertizasini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3287-1, 2022-yil 27-yanvar) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 27.01.2022-y., 10/22/3287-1/0075-son).

3. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2022-yil 14-oktabrdagi 23-mh-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3392, 2022-yil 17-oktabr) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 17.10.2022-y., 10/22/3392/0951-son) bilan tasdiqlangan Vazirliklar, davlat qo‘mitalari va idoralar tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga kiritilayotgan o‘zgartirishlar va qo‘shimchaning 16-bandi.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**451** Давлат бошқаруви тизими такомиллаштирилиши муносабати билан айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3471*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2022 йил 21 декабрдаги ПҚ–447-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир**А. ТАШКУЛОВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 30 октябрь,
18-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 3 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2023 йил 30 октябрдаги
18-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2004 йил 30 декабрдаги 62-сон буйруғи (рўйхат рақами 1443, 2005 йил 14 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 2-сон, 16-модда) билан тасдиқланган Селекция ютуғига Ўзбекистон Республикаси патентини бериш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларининг Қисқартиришлар рўйхати бешинчи хатбоҳиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**Ихтисослаштирилган ташкилот** — Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси.».

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2008 йил 26 ноябрдаги 8, 109-сон қарори (рўйхат рақами 1878, 2008 йил 2 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 49-сон, 487-модда) билан тасдиқланган Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

1) 5-банддаги «Молия вазирлигининг» ва «Ғазначилиги» деган сўзлар тегишли равишда «Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг» ва «Ғазначилик хизмати қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 18-банддаги «Молия вазирлигининг Ғазначилиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 20-банддаги «Молия вазирлигига» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

452 Шахсларни ишсиз деб эътироф этиш ва уларга ишсизлик
нафақасини тайинлаш бўйича электрон давлат хизмати-
ни кўрсатиш тўғрисидаги регламентни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3472*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги ПҚ–162-сон «Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон «Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Шахсларни ишсиз деб эътироф этиш ва уларга ишсизлик нафақасини тайинлаш бўйича электрон давлат хизматини кўрсатиш тўғрисидаги регламент иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги билан келишилган.

3. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди.

Вазир

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 6 октябрь,
75/2023-сон

Келишилди:

Рақамли технологиялар вазири

Ш. ШЕРМАТОВ

2023 йил 26 сентябрь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 1 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
камбағалликни қисқартириш ва бандлик
вазирининг 2023 йил 6 октябрдаги
75/2023-сон буйруғига
ИЛОВА

**Шахсларни ишсиз деб эътироф этиш ва уларга ишсизлик
нафақасини тайинлаш бўйича электрон давлат хизматини
кўрсатиш тўғрисидаги
РЕГЛАМЕНТ**

Мазкур Регламент шахсларни (бундан буён матнда ариза берувчи деб юритилади) ишсиз деб эътироф этиш ва уларга ишсизлик нафақасини тайинлаш бўйича электрон давлат хизмати (бундан буён матнда давлат хизмати деб юритилади) кўрсатиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Давлат хизмати Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (бундан буён матнда ЯИДХП деб юритилади) орқали Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг туман, шаҳар бўлинмалари — Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари (бундан буён матнда маҳаллий меҳнат органлари деб юритилади) томонидан кўрсатилади.

2. Давлат хизматини кўрсатиш мазкур Регламентнинг 1-иловасидаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

**2-боб. Маҳаллий меҳнат органлари томонидан ариза
берувчига давлат хизматини ЯИДХП орқали кўрсатиш**

3. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланиш учун ЯИДХПдан рўйхатдан ўтади.

4. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланиш учун ушбу Регламентнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги сўровномани тўлдиради.

5. Ариза берувчи ЯИДХП орқали сўровномани тўлдиргандан сўнг маълумотларнинг тўғрилигини текширади. Бунда, сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

Ариза берувчи томонидан тўлдирилган сўровнома ЯИДХП орқали автоматик равишда доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойидаги маҳаллий меҳнат органига юборилади.

6. Маҳаллий меҳнат органи сўровнома келиб тушган кундан эътиборан бир иш куни ичида ариза берувчини иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Қонунининг 45-моддаси биринчи қисми тўртинчи — ўнинчи хатбошиларига мувофиқ ариза берувчини ишсиз деб эътироф этиш бўйича рад қилиш учун асослар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини «Бандлик хизмати» ахборот тизими

орқали вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари маълумотлари асосида текширади.

Бунда, қуйидагилар ариза берувчини ишсиз деб эътироф этишни рад қилиш учун асос бўлади:

ариза берувчи таълим муассасаларида ва ташкилотларида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таҳсил олаётган бўлса, бундан таълимнинг сиртки шаклида таҳсил олиш мустасно;

қонунчиликка мувофиқ пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлса (пенсия туридан қатъи назар);

бола икки ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилаётган, ишламаётган аёл бўлса;

ишини ўзгартирмоқчи бўлган, лекин маҳаллий меҳнат органларида рўйхатдан ўтиш пайтида, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, ташкилотларда ишловчи бўлса ёки уларнинг штатида ҳисобда турган бўлса;

суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги жазога ҳукм қилинган бўлса;

фермер хўжалигининг раҳбари ёки ходими, оилавий корхонанинг иштирокчиси, деҳқон хўжалигининг раҳбари ёки аъзоси, шунингдек якка тартибдаги тадбиркор бўлса;

ўзини ўзи банд қилган шахс бўлса.

7. Ишсиз деб эътироф этишни рад қилиш учун мазкур Регламентнинг 6-банди иккинчи — тўққизинчи хатбошиларида белгиланган асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, ариза берувчи маҳаллий меҳнат органига келиши лозимлиги тўғрисида ёзма ёки электрон шаклда у иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган кундан бошлаб бир иш кунда маҳаллий меҳнат органи томонидан хабардор қилинади.

Бунда, ариза берувчи иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн кун ичида маҳаллий меҳнат органига мақбул келадиган иш (фуқаро бажаришга қодир бўлган, фуқаронинг олган маълумоти йўналиши ва ихтисослигига, малакасига, касбий тайёргарлигига, иш тажрибасига, соғлигининг ҳолатига кўра мос келадиган, яшаш жойини ўзгартиришини назарда тутмайдиган, унинг доимий яшаш жойидан унчалик узоқ бўлмаган ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган иш ҳақини кафолатлайдиган иш) юзасидан таклиф олиш учун бориши керак.

8. Маҳаллий меҳнат органи томонидан ариза берувчини ишсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор у иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн биринчи кундан кечиктирмай қуйидаги асосларга кўра қабул қилинади:

ариза берувчи иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн кун ичида мақбул келадиган иш юзасидан таклиф олиш учун маҳаллий меҳнат органига келса;

таклиф этилган мақбул келадиган ишни иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн кун ичида узрли сабабсиз (касаллик ёки ҳужжатлар билан тасдиқланган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаганда) икки марта рад этмаса;

ариза берувчига у иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган кундан эътиборан дастлабки ўн кун ичида мақбул келадиган иш таклиф этилмаган бўлса;

маҳаллий меҳнат органи ариза берувчи ишга жойлаштириш учун юборилган ташкилотдан рад жавобини олган бўлса.

9. Маҳаллий меҳнат органи ариза берувчини ишсиз деб эътироф этиш ва унга ишсизлик нафақасини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақида QR-код қўйилган хабарномани мазкур Регламентнинг 3-иловасига мувофиқ, шунингдек ариза берувчини ишсиз деб эътироф этиш рад этилганлиги тўғрисида QR-код қўйилган хабарномани мазкур Регламентнинг 4-иловасига мувофиқ расмийлаштиради.

Бунда, маҳаллий меҳнат органи хабарномани қарор қабул қилинган кундан эътиборан икки кундан кечиктирмай ариза берувчининг ЯИДХП даги шахсий кабинетига юборади.

10. Давлат хизмати кўрсатилганлиги учун тўлов ундирилмайди.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

11. Маҳаллий меҳнат органлари ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг махфийлигини таъминлайди.

12. Ариза берувчилар маҳаллий меҳнат органлари ходимларининг хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги юзасидан юқори турувчи ташкилотларга ёки судга шикоят қилишга ҳақли.

13. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Шахсларни ишсиз деб эътироф этиш ва уларга ишсизлик нафақасини тайинлаш бўйича электрон давлат хизматини кўрсатиш тўғрисидаги регламентга
1-ИЛОВА

Шахсларни ишсиз деб эътироф этиш ва уларга ишсизлик нафақасини тайинлаш бўйича электрон давлат хизматини кўрсатиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	Давлат хизматидан фойдаланиш учун ЯИХДП орқали рўйхатдан ўтади	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	Маҳаллий меҳнат органи	Ариза берувчини иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олади. Ишсиз деб эътироф этишни рад қилиш учун асослар мавжудлигини текширади. Ариза берувчини ишсиз деб эътироф этишни рад қилиш учун асослар мавжуд бўлмаса, ариза берувчи маҳаллий меҳнат органига мақбул келадиган иш юзасидан таклиф олиш учун иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн кун ичида келиши лозимлиги тўғрисида ёзма ёки электрон шаклда ариза берувчини хабардор қилади.	Мурожаат келиб тушгандан сўнг бир иш кuni ичида Ариза берувчи иш қидираётган шахс рўйхатга олинган олинган кундан бошлаб бир иш кунда
3-босқич	Ариза берувчи	Маҳаллий меҳнат органига мақбул келадиган иш юзасидан таклиф олиш учун боради.	Ариза берувчи иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн кун ичида
4-босқич	Маҳаллий меҳнат органи	Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқ ариза берувчини ишсиз деб эътироф этиш ва унга ишсизлик нафақасини тайинлаш ёки рад этиш (агар асослар мавжуд бўлганда) бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.	Ариза берувчи иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн бир кун ичида
5-босқич	Маҳаллий меҳнат органи	Ариза берувчини ишсиз деб эътироф этиш ва унга ишсизлик нафақасини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ёки уни ишсиз деб эътироф этиш рад этилганлиги (агар асослар мавжуд бўлганда) тўғрисида QR-код кўйилган хабарномани ариза берувчига электрон тарзда ЯИДХП орқали юборади.	Ариза берувчини ишсиз деб эътироф этиш ва унга ишсизлик нафақасини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг икки кун ичида

Шахсларни ишсиз деб эътироф этиш ва уларга ишсизлик нафақасини тайинлаш бўйича электрон давлат хизматини кўрсатиш тўғрисидаги регламентга
2-ИЛОВА

**Шахсларни ишсиз деб эътироф этиш ва уларга ишсизлик нафақасини тайинлаш бўйича давлат хизматидан фойдаланиш учун
СЎРОВНОМА**

Ариза берувчи тўғрисидаги маълумотлар	
1. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР):	
Фамилияси	
3. Исми:	
4. Отасининг исми:	
5. Туғилган йили ва санаси:	
6. Яшаш манзили:	
7. Маълумоти (умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий):	
8. Тугаллаган таълим муассасасининг номи:	
9. Мутахассислиги (мавжуд бўлса):	
10. Касби (мавжуд бўлса):	
11. Охириги иш жойи:	
12. Телефон рақами:	
13. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса):	

Шахсларни ишсиз деб эътироф этиш ва уларга ишсизлик нафақасини тайинлаш бўйича электрон давлат хизматини кўрсатиш тўғрисидаги регламентга
З-ИЛОВА

**Шахсни ишсиз деб эътироф этиш ва унга ишсизлик нафақасини тайинлаш бўйича қарор қабул қилинганлиги тўғрисида
ХАБАРНОМА**

Электрон ҳужжатнинг идентификация рақами
<i>Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири</i>

(ваколатли органнинг номи)

Белгиланган тартибда ва муддатларда Сизнинг 20__ йил «__» _____ даги
(йил, кун, ой)

_____ -сон сўровномангизни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Қонунининг 44-моддасига мувофиқ, _____ туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимининг _____ йилдаги _____ -сон буйруғи билан (ариза берувчининг Ф.И.О.)ни ишсиз деб эътироф этиш ва унга ишсизлик нафақасини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ишсиз деб эътироф этилган шахс учун зарур бўлган ахборотлар:

1. Ишсизлик нафақаси _____ санадан бошлаб ҳисобланади ва унинг миқдори _____ сўмни ташкил этади.
2. Ишсиз деб эътироф этилган шахснинг _____ туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимига қайта рўйхатдан ўтиш учун мажбурий келиш санаси — кк.оо.йййй гача.
3. Ишсиз деб эътироф этилган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:
ишсиз деб эътироф этилган шахс ишсизлик нафақасини ҳар ойда ва маҳаллий меҳнат органининг буйруғида белгиланган миқдорда олиш;
ишсизлик нафақасини олиш даврида ишсиз шахс касал бўлган тақдирда ишсизлик нафақасини ишсиз шахснинг қариндошлари (отаси, онаси, эри (хотини), вояга етган болалари) ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида ишсиз шахснинг бошқа ишончли шахслари томонидан олишга йўл қўйилади;
ишсизлик нафақасини олиш даврида ишсиз шахс иш қидириши ва ишга жойлаштиришга доир йўлланма ёхуд касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ёки малакасини оширишга йўлланма олиш учун икки ҳафтада камида бир марта маҳаллий меҳнат органига мурожаат қилиши шарт.
4. Ишсизлик нафақасини олиш шартлари ва жойи:

ишсизлик нафақаси ўн икки ойлик давр ичида кўпи билан йигирма олти календарь ҳафта давомида тўланади;

ишсизлик нафақасининг энг кам миқдори — меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг камида етмиш беш фоизига тенг;

ишсизлик нафақаси ишсиз деб эътироф этилган шахсга у маҳаллий меҳнат органида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган биринчи кундан эътиборан ҳисобланади ва тўланади.

Жорий ойда ишсизлик нафақасини тўлаш ўтган ой учун амалга оширилади.

Ишсизлик нафақасига солиқ солинмайди.

Маъсул ижрочи Ф.И.О:

Туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими номи ва телефон рақами:

QR-код

Эслатма: Мазкур хабарнома бўйича эътирозларингиз бўлса, доимий яшаш ёки вақтинча турган жойингиздаги Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин!

Шахсларни ишсиз деб эътироф этиш ва
уларга ишсизлик нафақасини тайинлаш
бўйича электрон давлат хизматини кўрсатиш
тўғрисидаги регламентга
4-ИЛОВА

**Шахсни ишсиз деб эътироф этиш рад қилинганлиги тўғрисида
ХАБАРНОМА**

Электрон ҳужжатнинг идентификация рақами			
Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири			

_____ қонунчилик ҳужжатларида
(ваколатли органнинг номи)
белгиланган тартибда ва муддатларда Сизнинг 20__ йил «___» _____даги
(йил, кун, ой)
_____сон сўровномангизни кўриб чиқиб, _____
_____ рад этилганлигини маълум қилади.
(шахсни ишсиз деб эътироф этиш)

Рад этиш асослари (Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Қонунининг 45-моддаси биринчи қисмида белгиланган ҳолатлар):

- 1.
- 2.
- 3.

Ахборот тариқасида маълум қилинадики, Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Қонунининг 45-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ ишсиз шахс деб эътироф этиш рад қилинган шахс таклиф этилган ишни рад этган пайтдан ёки мақбул келадиган иш бўйича таклиф олиш учун маҳаллий меҳнат органига узрли сабабсиз келмаган пайтдан эътиборан ўттиз календарь кун ўтганидан кейингина иш қидираётган шахс сифатида такроран рўйхатдан ўтиш ҳуқуқига эга.

_____ (масъул шахснинг лавозими)

_____ (Ф.И.О.)

QR-код

Эслатма: Мазкур хабарнома бўйича эътирозларингиз бўлса, доимий яшаш ёки вақтинча турган жойингиздаги Камбагалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

453 Банк ҳисобварақларини очиш, юритиш ва ёпиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3420-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги ПҚ–291-сон «Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 4 январдаги 30/18-сон қарори (рўйхат рақами 3420, 2023 йил 8 февраль) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.02.2023 й., 10/23/3420/0081-сон) билан тасдиқланган Банк ҳисобварақларини очиш, юритиш ва ёпиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 25 октябрь,
36/7-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 6 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2023 йил
25 октябрдаги 36/7-сон қарорига
ИЛОВА

**Банк ҳисобварақларини очиш, юритиш ва ёпиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган қўшимча ва
ўзгартиришлар**

1. 1-бандда:

еттинчи хатбоши «ёки бошқа банкда» деган сўзлардан кейин «, шунингдек вакиллик ҳисобварағи очиш ваколатига эга бўлган ташкилотларнинг Марказий банкда» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«вакиллик ҳисобварағи очиш ваколатига эга бўлган ташкилотлар — «Миллий клиринг маркази» АЖ ва «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» АЖ;»;

саккизинчи хатбоши тегишли равишда тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. 16-банднинг биринчи ҳамда саккизинчи хатбошиларидаги «ташкилий савдоларда акцияларни» деган сўзлар «уюшган савдоларда акция ва корпоратив облигацияларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 23-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23. Банк томонидан Марказий банк ёки бошқа банкда, шунингдек вакиллик ҳисобварағи очиш ваколатига эга бўлган ташкилотлар томонидан Марказий банкда вакиллик ҳисобварағи очилаётганда, улар ўртасида ўзаро вакиллик муносабатлари тўғрисида шартнома тузилади.»

4. 24-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Банк томонидан Марказий банкда ёки бошқа банкда, шунингдек вакиллик ҳисобварағи очиш ваколатига эга бўлган ташкилотлар томонидан Марказий банкда миллий ва чет эл валютасида вакиллик ҳисобварағи очиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

банкнинг ёки вакиллик ҳисобварағи очиш ваколатига эга бўлган ташкилотнинг барча реквизитлари кўрсатилган ҳолда вакиллик ҳисобварағи очиш тўғрисида ариза;».

5. 47-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«47. Банкларнинг ёки вакиллик ҳисобварағи очиш ваколатига эга бўлган ташкилотларнинг вакиллик ҳисобварақлари уларнинг вакиллик муносабатларини тўхтатиш тўғрисидаги аризасига кўра, шунингдек банклар ёки вакиллик ҳисобварағи очиш ваколатига эга бўлган ташкилотларни тугатиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари асосида ёпилади.»

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2023-yil 28 oktabrdagi 15-mh-son «O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining intellektual mulk sohasidagi rasmiy nashrlari to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida»gi buyrug‘i.

2023-yil 30-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3468.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 30 октябрдаги 16-мх-сон «Давлат бошқаруви тизими такомиллаштирилиши муносабати билан айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар кириштириш тўғрисида»ги буйруғи.

2023 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3469.

3. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2023-yil 30-oktabrdagi 17-mh-son «Normativ-huquqiy hujjatlar va ular loyihalarida korrupsiyani keltirib chiqaruvchi omillarni aniqlash uslubiyatini tasdiqlash haqida»gi buyrug‘i.

2023-yil 31-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3470.

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 30 октябрдаги 18-мх-сон «Давлат бошқаруви тизими такомиллаштирилиши муносабати билан айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар кириштириш тўғрисида»ги буйруғи.

2023 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3471.

5. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 6 октябрдаги 75/2023-сон «Шахсларни ишсиз деб эътироф этиш ва уларга ишсизлик нафақасини тайинлаш бўйича электрон давлат хизматини кўрсатиш тўғрисидаги регламентни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 31 октябрь кuni рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3472.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 25 октябрдаги 36/7-сон «Банк ҳисобварақларини очиш, юритиш ва ёпиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2023 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3420-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 24 февралдаги 2-мх-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3287, 2021 йил 24 февраль), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 3287-1, 2022 йил 27 январь).

2023 йил 31 октябрда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.